ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

XXI аср — ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр ҳисобланади.

6 бет

НОҚОНУНИЙ "КАСБ"

Одатда валютафурушлар ноқонуний савдо билан шуғулланиш учун бозорлар, савдо йўлаклари, аҳоли гавжум жойларни танлайдилар. Кимдир ошкора, кимдир хуфиёна тарзда ўз ишини битказишга интилади.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2011-yil 10-noyabr, №45 (774)

Бюджет муҳокамаси

Аҳоли турмуш даражаси ва мамлакат иқтисодиётининг ўсиб боришида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг ўрни беқиёс. Шу маънода Давлат бюджетининг тўғри йўналтирилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамда тижорат банклари раҳбарлари иштирокида 8 ноябрь куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш ҳам ана шу долзарб масалага бағишланди. Унда 2012 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,
«Huquq»

Мажлисда 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат бюджетининг лойиҳаси Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, жамият ижтимоий ҳаётини мувозанатли ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган муҳим устувор вазифаларни изчил амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилганлиги таъкидлаб ўтилди.

2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,4 фоизга, саноат маҳсулоти 9,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажмининг 7,9 фоизга ўсиши кўзда тутилиб, улар 2012 йил бюджет параметрларини ишлаб чиқишнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланди.

2012 йил учун солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида давлат бюджети даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,1 фоизни, харажатлари 22,1 фоизни ва тақчиллиги 1 фоизни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, бюджет ва солиқ сиёсатида иқтисодиётни модернизация қилишни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш асосида макроиқтисодий ўсишни таъминлашга ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилган.

2012 йил учун белгиланган солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётга солиқ юки ўтган йилга нисбатан 0,7 фоизга камаяди.

Йиғилишда эътироф этилганидек, 2012 йил учун бюджет сиёсатининг концепциясида асосий эътибор ижтимоий соҳаларни янада ривожлантиришга, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга, бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга қаратилган. Аввало, бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш орқали аҳоли фаровонлигини изчил юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади.

Таълим соҳаси харажатлари ЯИМга нисбатан жорий йилда кутилаётган 7,3 фоиз ўрнига 2012 йилда 7,5 фоизни, соғлиқни сақлаш тизимида эса 2,8 фоиз ўрнига 2,9 фоизни ташкил этиб, соғлом авлодни шакллантириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларда назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришни тўла таъминлаш имкониятини беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, бюджетномада белгиланган вазифаларнинг асосий мақсади мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Йиғилишда депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли вазирлик ва идора раҳбарларидан жавоблар олдилар.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Юртимизда қиш нафаси

Соғлом турмуш тарзи

уни қарор топтириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир

Республикамизда фуқароларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, қонун ва қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва акциз солиғи солинадиган товарларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш, бундай маҳсулотларни яширин ишлаб чиқариш, уларнинг ноқонуний айланиши ҳолатларига барҳам бериш, ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулотлар сифатини белгиланган техник шартлар ва стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу маҳсулотлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2004 йил 15 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда, шунингдек, этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси лицензияда кўрсатилган ҳажмларда таъминланмаганда, уч ой ва ундан кўп ой мобайнида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзлар мавжуд бўлганда, сифатсиз спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва сотилиши аниқланганда лицензиянинг амал қилиш белгиланган тартибда тўхтатилиши, этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларни қайта расмийлаштириш белгиланди.

Шунингдек, Давлат божхона, солиқ идоралари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларига спирт ва алкоголли маҳсулотлар ноқонуний ишлаб чиқарилиши, контрабанда йўли билан олиб келиниши ва сотилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, уларни аниқлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги қарори билан "Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 мартдаги қарори билан алкоголли маҳсулотлар ва биринчи навбатда, кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан натурал винолар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хомашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи гуруҳига лицензиатлар томонидан натурал вино ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватлардан фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг олиб бориш топширилган.

Алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 16 февралда "Алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида"ги Қарор қабул қилиниб, 2011 йил 1 апрелдан бошлаб алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига дизайни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ҳимоянинг қўшимча даражаларига эга бўлган янги намунадаги акциз маркалари жорий этилди.

/Давоми 5-бетда/

Самарали бўлишига эришилмоқда

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор назоратининг самарадорлигини янада ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилиб келинмоқда.

Баҳрулла КАЗАКОВ,
Қизилтепа туман прокурори

Қизилтепа туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойида мазкур йўналишда ўтказилган 40 та текшириш натижасига кўра 426 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Прокурорнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 157 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида 37 та тақдимнома, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш ва қонун доирасига келтириш бўйича 35 та протест киритилди. 104 нафар шахсга нисбатан қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув эълон қилиниб, етказилган зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди. Судларга 60 млн. 660 минг сўмни ундириш ҳақида 91 та даъво аризаси киритилиб, жиддий қонунбузилиши юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "007" ишонч телефони ўрнатилиб, "ишонч телефонлари орқали келиб тушган хабарларни рўйхатга олиш китоби" юритилиб келинмоқда.

Шу йилнинг 9 ойида ушбу ишонч телефони орқали олинган 25 та мурожаат қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилган.

Жумладан, "Исмат Бозор" ИЧСФ раҳбари М.Камолов ҳамда "Туғён" ИЧФ раҳбари А.Болтаев 2011 йил 7 августда "АИ-80" бензини олишда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилганлар. Ушбу мурожаатлар туман прокуратураси томонидан қаноатлантирилиб, уларга "Навоийнефтбаза" унитар корхонаси Қизилтепа филиалидан жами 5,6 тонна бензин олиб берилиши таъминланди.

Шунингдек, туман прокуратураси аралашуви билан шу даврда 16 нафар тадбиркор ва 84 нафар фуқаронинг турли масалалардаги мурожаатлари асосида уларнинг бузилган ҳуқуқлари амалда тикланди.

Туман прокуратурасининг ташаббуси билан шу давр мобайнида 948 та янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони юзасидан доимий равишда назорат ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 20 та текшириш натижасига кўра жами 360 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Бунинг натижаси ўлароқ, туманда пилла, ғалла сотиш шартномавий режалари ошиғи билан бажарилди.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат йўналиши бўйича ўтказилган 12 та текшириш натижасига кўра 64 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳияти борасида таълим муассасалари ва яшаш жойларида доимий равишда тарғибот олиб борилиши ўз самарасини берди ва вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони камайишига эришилди.

Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этишда қонун талабларига риоя қилиниши юзасидан жами 7 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича 4 та тақдимнома, 3 та маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. 10 нафар шахсга нисбатан қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув эълон қилинди.

Жумладан, туман суд ижрочилари бўлимида Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ўрганилиб, бу борада аниқланган бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари ва унга имкон яратган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида суд ижро департаментининг вилоят бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Малҳам ўрнига...

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралиши натижасида, бугун тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Шу билан бирга, амалга оширилаётган ислоҳотлар барча соҳа ва жабҳаларда ўз самарасини бермоқда.

Наргиза ИСЛАМОВА,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
бўлим катта инспектори

Худди шундай, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида Республикамизда тиббиётга замонавий илғор технологиялар жалб этилиб, жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган шифохоналар, тиббиёт масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Аҳоли эҳтиёжи учун сифатли дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда савдосини ташкил этиш мақсадида юзлаб дорихоналар ташкил этилмоқда.

Аммо ўз манфаатини устун қўйиб, фуқаролар соғлиғини ўйламасдан, сифатсиз, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган дори-дармон маҳсулотларини қонунга хилоф равишда четдан олиб келиш ва муомалага киритиш билан шуғулланаётган шахсларнинг борлиги ачинарли ҳол, албатта.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент органлари ходимлари томонидан шу каби "сохта тадбиркорлар"нинг ноқонуний қилмишларини фош қилиш мақсадида муайян ишлар амалга ошириляпти.

Чунончи, Қўқон шаҳрида яшовчи фуқаро М.Тошбоева (айрим исм-фамилиялар ўзгартирилган) доимий равишда дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланиб келган. Ўтказилган тадбирда унинг уйидан сотиш учун тайёрланган, сифат сертификатисиз, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган 90 млн. сўмга яқин дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қўқон шаҳрида яшовчи яна бир фуқаро С.Шомуродова ҳам дори-дармон воситаларини сотиб, мўмай даромад орттириб келган. Ундан ҳам сифат сертификатисиз, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган 30 млн. сўмга яқин дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Уларнинг бу қилмишлари учун суд ўзининг одилона қарорини эълон қилган.

Инсон ақлу заковати жуда кўп нарсаларга қодир. Бироқ, нур бор жойда соя бўлганидек, ана шу онгнинг маҳсули ҳам ҳамиша яхшиликка хизмат қилавермас экан. Юқоридаги каби сифатсиз, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган дори-дармон воситаларини сотиб, мўмай даромад орттирмоқчи бўлганлар қилмишларининг оқибати ҳақида мулоҳаза юритиб кўрсалар, ёмон бўлмасди. Ахир бу дорилар беморларнинг соғлиғига малҳам бўлмай, аксинча, уларнинг соғлиғига хавф солиши мумкин-ку! Бу дори-дармон воситаларини уларнинг яқинлари, балки ўзлари ҳам истеъмол қилишлари эҳтимолдан йироқ эканлигига ким кафолат беради, ахир!

"Етти ўлчаб бир кес", дейди халқимиз. Аммо бу нақлга амал қилмасдан, ўйламасдан қўйилган биргина қалтис қадам ҳам кишини "жарликка" қулатиши мумкинлигини "қаҳрамонларимиз" энди англаб етган бўлсалар ажаб эмас.

Телефон орқали чақирилган "тез ёрдам" машинаси шошилмасдан етиб келганда беморга яқин кишиларнинг фиғони фалакка чиқиши табиий. Бунинг устига, "фалон дорингиз, шприцингиз борми?", "иситмасини туширалиган укол қилдик, касалхонага ётқизиш шарт эмас", "бўш жой ҳам бўлмаса керак. Биз-ку, олиб бораверамиз, овора бўлиб қайтиб келасизлар-да" каби луқмалар бемор учун "тез ёрдам" чақирган кишининг ҳам иситмасини чиқариб юборади. Тез тиббий ёрдам кўрсатишни пайсалга солган шифокорнинг лоқайдлиги касалликнинг газаклашиб, ҳатто оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Тез ёрдам»даги номутаносиблик

А.НАЗАРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадида малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳавоти ўрганилиб, таҳлил этиб борилмоқда. Жойлардаги "тез тиббий ёрдам" бўлинмаларининг фаолияти, иш шароитлари текширилганда қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Фурқат тумани тез тиббий ёрдам бўлими раҳбарияти томонидан зиммаларига юклатилган вазифалар етарли даражада бажарилмаганлиги маълум бўлди. Шунингдек, ишга қабул қилиш, иш ҳақи ва бошқа тўловларни тўлаб бориш, талабга мувофиқ иш шароитларини яратиш, беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида қатъий чоралар кўрилмаган. Чунончи, ҳақиқатда тунги навбатчиликда турмаган 10 та "тез ёрдам" автомашиналарининг ҳайдовчиларига 50 фоиздан қўшимча ҳақ ортиқча ҳисобланиб, тўланган. Бунинг акси, Меҳнат кодекси талаблари бузилиб, 12 ёшгача болалари бўлган 14 нафар тиббий ходимнинг йиллик меҳнат таътилига 3 суткалик ҳақ тўланадиган қўшимча таътил кунлари ҳавола этилмаган.

Ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Аёллар гигиена хонаси зарур жиҳозлар билан жиҳозланмаган. Зарарли шароитларда ишловчи 42 нафар ходим бепул сут ва профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари, махсус кийим-бош, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаган. Тез тиббий ёрдам биносининг хоналари жорий таъмирлашга муҳтож бўлиб, иссиқ сув ва вентиляция тармоқлари ўрнатилмаган.

Туманда белгиланган меъёрга кўра, тез тиббий ёрдам бўлимида 76 хил дори-дармон тахт бўлиши шарт бўлса-да, текшириш куни бўлимда атиги 39 хил дори-дармон бор эди, холос.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаатлари, ариза, таклиф ва шикоятлари умумлаштириб борилмаган. Уларда баён этилган камчиликларни бартараф этишга эса панжа орасидан қаралган.

Бўлимда тиббиётдан йироқ ходимлар ҳам ишлаб келишган. Чунончи, 6 нафар тиббий ходимнинг дипломи қалбакилаштирилгани аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, бошқа туман ва шаҳарларда ҳам қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, Қўқон шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш станциясида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида эпидемияга қарши дезинфекция ва санитария-гигиена тартиб-қоидаларига риоя этиш тўғрисидаги буйруғи талаблари бажарилмай келинган. Кичик тиббий ходимлар махсус қўлқоплар, плёнка фартуклар билан таъминланмаган, инвентарлар сақланадиган алоҳида хона ажратилмаган.

Бундан ташқари, вазирликнинг ўткир диареяли касалликларнинг олдини олишни такомиллаштириш ҳақидаги буйруғи талабларига зид равишда бригада ходимлари томонидан аниқланган 20 нафар ўткир диарея, 1 нафар сув чечак касаллиги билан оғриган беморлар тўғрисидаги маълумот ҳудудий ДСЭНМга ўз вақтида тақдим этилмаган. Вазирликнинг алоҳида буйруғига мувофиқ равишда, "тез ёрдам" машиналарининг салонида доимий равишда 17 хил тиббий ашёлар бўлиши лозим бўлса-да, текширув кунида атиги 6 хил тиббий ашёлар борлиги аниқланди.

Тез тиббий ёрдам станцияси томонидан чақирувларнинг ўз вақтида бажарилиши таъминланмаган ҳолатлар ҳам мавжуд экан. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида чақирувларнинг 2160 таси 15 дақиқа, 1002 таси 30 дақиқа кечиктирилиб бажарилгани тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир.

Бешариқ туманида тасдиқланган меъёр бўйича тез тиббий ёрдам бригадасида 84 хил турдаги дори-дармон воситалари бўлиши лозим. Текширув кунида атиги 37 хил дори воситалари борлиги маълум бўлди. Тез тиббий ёрдам туман бўлимининг Товул, Намуна, Капаянги шохобчалари телефон алоқаси билан таъминланмаган. Бўлимнинг маъмурий даволаш, дори сақлаш хоналари ёнғин ўчириш қалқони ва ўт ўчириш мосламалари билан таъминланмаган. Фавқулодда ҳолат юз берганида фуқаролар ва моддий бойликларни олиб чиқиш режаси ишлаб чиқилмаган.

Бувайда туман тез тиббий ёрдам бўлими томонидан Хонобод, Алқор, Узумзор, Янгиқадам, Бегобод бригадалари белгиланган штат бирлиги бўйича врач билан таъминланмаганлиги натижасида, чақирувларга ҳамширалар қатнайверишган. Меҳнат кодексининг 13 ва 17-моддалари талаблари бузилиб, 3 нафар ходим даврий тиббий кўрикдан ўтмасдан ишлайверган.

Барча шаҳар ва туманларда ўтказилган таҳлилларнинг натижаларига кўра, вилоят прокуратураси органлари томонидан 232 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилди. 2,5 млн. сўмлик зарар ихтиёрий ундирилди. 2 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Тараққиётимизнинг ҳуқуқий пойдевори

Маълумки, жорий йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига ўн тўққиз йил тўлади. Давлат суверенитетини эълон қилган, ўзини жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти деб ҳисобланган ҳар қандай давлат, аввало, ўз мустақиллигини конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйиши шарт. Ўзбекистон Республикаси ҳам суверенитетга эришгач, барча тараққийпарвар давлатлар каби ўзининг мустақил давлат мақомини конституциявий асосда мустаҳкамлашга киришди.

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёш давлатимизнинг мақсади, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлиги мустаҳкамлаб қўйилиши, шу билан бирга, у ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибасини ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига таяниши, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асос бўлиши, барқарор бозор иқтисодига асосланган демократик давлат, фаровон жамият учун ҳуқуқий пойдевор яратиб берди.

"...1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конститутциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларимиз 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган кейинги 10 йил давомида янада фаоллашиб, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Натижада бугунги кунга келиб биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришдик, деб айтиш учун барча асосларимиз бор. Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас", деган эди Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузасида.

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизнинг "Муқаддима"сида санаб ўтилган устувор маъёрлар Ўзбекистон халқи, ҳар бир фуқароси ҳаётининг маъноси, мақсади қай даражада улуғвор ва эзгу эканлигини бутун жаҳонга маълум қилди.

Агар 2006 йилда чоп этилган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га мурожаат қиладиган бўлсак, унда Конституцияга шундай таъриф берилган: "Конституция — белгилаш, қарор қилиш, тайинлаш. Давлатнинг юксак юридик кучга эга бўлган асосий қонуни. Барча жорий қонунларнинг асоси". Демак, Конституцияни давлатнинг ҳуқуқий пойдевори деб ҳисобласак, янглишмаган бўламиз.

Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган. Масалан, Конституциянинг 13-моддаси фикримизга далил бўлиши мумкин. Унда кўрсатилганидек, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади". Ушбу моддада "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"да эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар олий қадрият даражасига кўтарилган. Умуминсоний принципларга асосланган Конституциямизда инсон энг олий қадрият сифатида эътироф этилади. Жумладан, унинг 18-моддасида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар..."

Ҳа, чиндан ҳам юртимизда яшаётган ҳар бир шахс, у қайси миллат вакили бўлмасин, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқли фуқароси саналади. Унинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан кафолатланади. Конституциямизнинг 19-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ҳеч ким ҳақли эмас", деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияни ўрганиш, уни англаб етиш, аввало, инсонга ўз ҳуқуқларини танитади. Ҳуқуқини таниган ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинлигини қандай ҳимоя қилишни ҳам яхши билади. Бундай пайтларда у бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклаш ёки ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш мақсадида тегишли муассасаларга мурожаат қила олади. Баъзан "ўзбекчилик-да", дея бузилган ҳуқуқларимизни тиклашда бирон жойга мурожаат қилишдан уяламиз. Йўқ, бу ерда андиша қилиш ўринсиз. Негаки, Конституциямизнинг 44-моддасида "ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади", деб белгиланган. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши ҳуқуқий давлатга хос хусусиятдир. Бундан ташқари, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар иштирокида ваколатли давлат органлари, муассасаларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам Конституциямизнинг 35-моддасида белгилаб қўйилган. Бу жараён эса амалдаги бир неча қонунлар билан мустаҳкамланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, бугун юртдошларимизнинг онги, дунёқараши бундан ўн-ўн беш йил аввалги даврдагидан кескин фарқ қилади. Аксарият фуқаролар ҳуқуқи, қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларда тегишли органларга мурожаат этишмоқда. Бу халқимизнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятининг йил сайин ортиб бораётганидан далолат беради.

■ Миннатдорчилик мактуби

Жамиятимизда инсон қадр-қиммати юксак эътибор топиб, унинг ҳақ-ҳуқуқлари қонунан ҳимоя қилинишига бугун яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Мен бу эътирофимни кўнглимда бир олам миннатдорчилик туйғулари билан ёзаяпман.

Адолат қарор топди

Мен Сурхондарё вилоятининг Узун туманиданман. 2001 йилда Самарқанд Давлат меъморчилик қурилиш институтига "Ҳаётий фаолият хавфсизлиги" йўналиши бўйича ўқишга кириб, 2006 йилда тамомладим. Шунингдек, Марғилон шаҳрида ҳарбий хизматни ҳам ўтадим.

2008 йилнинг сентябрь ойида Сурхондарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасига ишга қабул қилиниб, Узун тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи вазифасига тайинландим. Соҳага бўлган меҳрим туфайли зиммамдаги вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилдим. Топшириқларни ўз вақтида бажариб келаётган бир вақтда, 2010 йилнинг октябрь ойида бошқарма бошлиғи алмашлиши, бошим ноҳақликлар ва адолатсизликлардан чиқмай қолди. Вилоят ФВБ бошлиғи 2011 йилнинг апрель ойида Узун туманига келиб, ҳеч бир сабабни кўрсатмаган ҳолда мен билан ишламаслигини, аризамни ёзишим кераклигини айтди. Табиийки, ариза ёзишим учун сабаб бўладиган ишдаги камчилик ва нуқсонларимни айтишини сўраб, эътироз билдирдим. Аммо, бошқарма бошлиғи мени ноқонуний тарзда лавозимидан бўшатиб, шу бўлимга мутахассис вазифасига тайинлаб қўйди. Бу ҳам етмагандай, шу йилнинг август ойида ҳеч қандай сабабсиз менга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиб, иш ҳақимнинг 30 фоизи миқдорида жаримага тортилдим.

Жорий йилнинг октябрь ойида Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан Сурхондарё вилояти ФВБда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ижроси юзасидан режага асосан ўтказилган текширишда бошқарма бошлиғи томонидан менга нисбатан ноҳақлик бўлганлиги, қўлланилган интизомий чоралар ноқонуний эканлиги ўз исботини топди. Бошқарма бошлиғининг ноқонуний буйруғи протест киритиш йўли билан бекор қилиниб, мен илгариги лавозимимга тикландим ва ҳозирги пайтда ўз фаолиятимни давом эттирмоқдаман.

Ҳақ-ҳуқуқларимнинг тикланишида ёрдам берган Термиз ҳарбий прокуратурасига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида Термиз ҳарбий прокуратураси жамоасининг саъй-ҳаракатлари янада самарали бўлишини тилаб қоламан.

Шаҳобиддин МУҚИМОВ, Узун тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Прокуратура ташаббуси билан

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг эркин, фаровон яшаши, ҳар томонлама ривожланиши учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилган. Ватанимиз келажаги бўлган ёшлар бундай шароитлардан тўғри ва оқилона фойдаланаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ёшларимиз келажакка дадил қадам ташламоқда. Уларнинг жадолларимизга муносиб, баркамол инсонлар бўлиб камол топишлари учун шарт-шароит, имкониятлар яратиб берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ёш авлод тарбияси мустақил давлатимизнинг доимо эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Муяссар ҚОБУЛОВА,
журналист

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда кам таъминланган оилаларга ва боқувчисини йўқотган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, билим олиш ва яшаш шароитларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Ҳукумат қарорлари асосида меҳрибонлик уйлари, оилавий болалар уйлари ва болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низомлар янгидан ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилди. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 август куни "Етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 164-сонли Қарори қабул қилиниб, унинг ижроси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан алоҳида назоратга олинди ҳамда барча прокуратура органларига бу борада вазифалар юклатилди.

Кегейли туман прокуратураси томонидан "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорда белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида туман ҳудудидаги "Сейтнияз усто" кўчаси бўйидаги кўп йиллардан буён қаровсиз аҳволда турган иморатнинг тегишли ҳужжатлари назорат тартибида ўрганилди. Туман прокурори томонидан судга даъво аризаси киритилиб, суд ажримига асосан эгасиз иморат, яъни кўчмас мулк маҳаллий ҳокимият ҳисобига ўтказилди.

Прокуратура ташаббуси билан бу эгасиз иморатни етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жой сифатида бериш мақсадида муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Иморатда ҳомийлик ёрдами билан тўлиқ қайта қурилиш ишлари олиб борилди. Бинонинг ички ва ташқи кўринишлари замонавий архитектура услубида қайта таъмирланди. Ҳар бир хонаси қулай ва шинам, белгиланган санитария ва техник меъёрларга жавоб берадиган, боланинг яшаши, таълим ва тарбия олиши, ўқиши учун барча шароитлар яратилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Кегейли туман прокуратураси тақдимномаси асосида 2011 йил 29 сентябрь куни Кегейли туман ҳокимининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, бино хоналари етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган Абиев Баҳадир, Бектурсинова Гулзор, Прекеева Нуржамал, Матжанов Байрам, Матжанов Ислам ва Матжанов Алламуратларга турар жой сифатида берилиши белгиланди.

Прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар давом этмоқда. Жорий йилнинг ўзида яна ўнлаб етим болалар ўз уйларига эга бўлишлари режалаштирилган. Бундай кенг кўламли тадбирлар Юртбошимиз томонидан илгари сурилган кучли ижтимоий ҳимоя тамойилининг амалдаги тасдиғидир.

Биз ҳам ўз навбатида, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли ишларга хайрихоҳ бўлиб, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг кўнгли ўксишига йўл қўймаслигимиз лозим.

«Қора олтин» ўғрилари

Андижон вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан доимий равишда назорат ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Бахтиёржон ЙЎЛЧИЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Жорий йилнинг 9 ойида ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 11 та текшириш натижасига кўра 2 та қонунга зид ҳужжатга нисбатан протест, 11 та тақдимнома киритилди. 24 нафар масъул шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, прокурорнинг қарор ва тақдимномалари бўйича 65 нафар шахс интизомий, 54 нафари маъмурий, 7 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган 734 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилди.

Бу йўналишда прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган назорат тадбирларида фермер хўжаликларига ёқилғи маҳсулотларининг ўз вақтида етказиб берилишига, ёқилғи тарқатиш шохобчаларидаги мавжуд колонкаларни давлат стандарти кўриги ва даврий кўрикдан ўтказиб борилишига ҳамда бу борадаги қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ, олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, айрим масъул шахслар томонидан нефт маҳсулотларини талон-торож қилиш билан боғлиқ салбий ҳолатларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Мисол тариқасида "Андижоннефт" ОАЖга қарашли Бўстон нефт ва газ қазиб чиқариш цехида "нефтни тайёрлаш ва барқарорлаштириш" бригадаси устаси Л.Собиров, "Асакатранснефт" ОАЖ товар оператори М.Атабоев, қувур назоратчиси Б.Парпиев, "Асакатранснефт" ОАЖ Андижон-Бўстон бўлими ишчиси Ш.Абдуразақов, Хўжаобод ТТБ ОАЖга қарашли 1-автосаф ҳайдовчиси Ҳ.Таджибоев, фуқаро А.Тажибаев ҳамда Хўжаобод тумани "Истиқлол" фермер хўжалиги ишчиси Б.Бабаевларнинг қилмишларини олсак. Ушбу гуруҳ аъзолари 2011 йил май ойининг охири ва 3 июнь кунлари Л.Собиров раҳбарлик қилаётган цех томонидан қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган, М.Атабоевнинг зиммасига ўтказилган, қиймати 6 млн. 824 минг сўмлик 10 тонна нефт маҳсулотини Х.Таджибоев бошқарувидаги "Камаз" автомашинасига қуйиб, рўйхатдан ўтказмай ва тамға қўймасдан чиқариб юборишган. Ҳайдовчи Х.Таджибоев бўлса, маҳсулотни жиноий шериги Б.Парпиевнинг кузатуви остида Б.Бабаев ишлайдиган Хўжаобод тумани "Хидирша" МФЙ ҳудудидаги "Истиқлол" фермер хўжалигига олиб бориб, махсус кавланган ўрага тўкади. Қилмишини яшириш мақсадида Л.Собиров зиммасидаги тайёр нефтдан 10 тоннасини М.Атабоев зиммасидаги резервуарга ўтказиб, камомад ўрнини қоплаган вақтда, Хўжаобод туман ИИБ ходимлари томонидан бу "иш"га чек қўйилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ички ишлар вазири ҳамда Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан "Минерал ўғит, нефт маҳсулотлари ва чигитни талон-торож қилиш ҳамда республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан" 2007 йил 16 мартда имзоланган қўшма топшириқ ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳам мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда.

Бу йўналишда ўтказилган назорат тадбирларида нефт маҳсулотларини турли йўллар билан четга олиб чиқишга уриниш ҳолатлари аниқланган.

Жумладан, 2011 йил 16 июнь куни Пахтаобод туманидаги "Тошқўрғон" айланма йўли орқали номаълум шахслар қиймати 50 500 сўмлик 40 литр дизель ёқилғисини Қирғизистон Республикасига олиб ўтаётган вақтда чегара қўшинлари ходимларини кўриб қолиб, қўшни Республикага қочиб ўтиб кетганлар.

Бундан ташқари, 2011 йил 28 июнь куни Пахтаобод туманида ўтказилган тадбирлар давомида Маданият ҚФЙ Иттифоқ маҳалласида яшовчи фуқаро А.Аҳмадқулов ўз уйида елим идишдаги 180 литр нефт маҳсулотини ноқонуний равишда ўтказиш мақсадида сақлаб келаётганлиги аниқланган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан А.Аҳмадқуловга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилиб, тўпланган хужжатлар суд муҳокамасига юборилган.

Ўтказилган назорат тадбирларида 10 та ҳолатда қиймати 1,6 млн. сўмлик, 1,5 тонна нефт маҳсулотини Республика ҳудудидан олиб чиқишга уриниш содир этилганлиги аниқланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан тўхтатиб қолинган ва айбдор шахслар тегишли тартибда жавобгарликка тортилган.

Алдагани бола яхшими?

Мансурбек МАТКАРИМОВ,
Янгибозор туман прокурори
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Ниқоҳ»

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Юртбошимизнинг ушбу пурҳикмат сўзлари аллақачон ўз келажаги ҳақида қайғурувчи инсонларнинг — хоҳ у ота-она бўлсин, хоҳ раҳбар, хоҳ устоз, уларнинг қалб амрига айланган. Зеро, барчамиз фарзандларимизнинг бахту камолини кўриш иштиёқи билан яшаймиз, меҳнат қиламиз.

Бугун фарзандларимизнинг болалик нашидасини суришлари, қолаверса, ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Эндиликда таълим-тарбия масканларининг барчаси замонавий қиёфага эга бўлиб, керакли жиҳозлар билан тўла таъминланган. Кўпчилик жамоалар ушбу шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш натижасида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Аммо, орамизда болалар учун, миллат келажаги учун яратилган шарт-шароитлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчи, болаларни, эл-юртни, давлатимизни алдашга уринувчи кимсалар ҳам учраб турибди.

Янгибозор туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан таълим муассасалари фаолияти ўрганилганда, қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди.

Масалан, 2010 йил октябрь ойидан 12-сонли мактабгача таълим муассасасининг хўжалик ишлари мудираси лавозимида ишлаб келган Дилнара Турсинова болаларнинг ризқига кўз олайтиришдан тап тортмай, қисқа муддат ичида жами 1 млн. 95 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Д.Турсинованинг қилмишлари тегишли тартибда ўрганилиб, жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди томонидан жазо чоралари қўлланилди.

Янгибозор туман халқ таълими бўлимига қарашли 7-сонли умумтаълим мактабида хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Илҳомбой Худойберганов ҳам нафси ҳақалак отганлардан бўлиб чиқди. Ушбу шахс 2011 йил январь ойи учун иш ҳақи ва нафақа пули сифатида ОАТБ «Агробанк» Янгибозор туман бўлимидан олинган 1 млн. 656 минг сўм пулни мактаб ходимларига тарқатмай, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани етмагандек, ўз жавобгарлигидаги 27 турдаги 416 263,4 сўмлик моддий қийматликларни ҳам талон-торож қилган.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача", дейдилар. И.Худойбергановнинг қилмиши фош этилиб, суд томонидан унга тегишли жазо тайинланди.

Қарийб ўн йил давомида мактабгача таълим муассасасига раҳбарлик қилган Меҳрибон Абдуллаева эса нафақат болажонларни, балки давлатимизни ҳам алдашга уринган экан.

Гап шундаки, унга қайнотаси О.Дўсаметов 1998 йилнинг декабрь ойида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини 1989-1994 йиллар мобайнида "Бошланғич таълим методикаси ва педагогикаси" ихтисослиги бўйича ўқиб тамомлаганлиги тўғрисидаги қалбаки диплом тайёрлатиб беради. М.Абдуллаева бўлса ундан бемалол фойдалана бошлайди ва 1999 йилдан 2010 йилнинг октябригача Янгибозор туман ХТБга қарашли "Райхон" номли болалар боғчасида мудира лавозимида ишлаб келади.

"Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", дейдилар. М.Абдуллаеванинг қилмишлари фош этилиб, унга нисбатан қонун талаблари доирасида жазо чоралари қўлланилди.

Таълим-тарбия маскани, у хоҳ болалар боғчаси, хоҳ мактаб бўлсин, муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Муқаддас даргоҳларда эса доимо ҳалоллик билан иш кўрилиши шарт.

Доимий эътибордаги масала

Республика Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган "2011 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларини яратиш дастури"га асосан вилоятимизда 92 246 та янги иш ўринлари яратишнинг манзилли Дастури ишлаб чиқилди. Йирик корхоналардаги бўш иш ўринлари ҳисоби олиниб, банкротга учраган катта-кичик корхоналарнинг қайта иш бошлашларига кўмаклашиш ҳисобидан янги иш ўринлари таклиф қилинди.

Н.ЖАЛОЛОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Шунингдек, хусусий қурилиш ташкилотлари, кичик бизнес, сервис, оилавий бизнесни ташкил этиш, касаначилик асосида ишлашни кенг йўлга қўйиш орқали ўтган 9 ой мобайнида кўзда тутилганига нисбатан бир мунча кўпроқ иш ўринлари яратилди. Рўйхатга олинган иш излаётганларнинг 66 104 нафари касб-корларига мос ишларга жойлашиш имкониятидан фойдаланишди. 10 500 нафарга яқини қайта касб-корга ўқитиш ҳамда жамоат ишларига жалб этилиб, ишсизлик мақоми берилди, шунингдек, нафақа тайинланди.

Меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган фуқаролар, ногиронлар, жазони ўташ муассасасидан қайтганлар 2325 та корхона ва муассасаларда банд этилган иш ўринларига юборилмоқда. Чунончи, жазони ўтаб қайтган 435 нафар фуқаро маҳаллий меҳнат идоралари томонидан ишга жойлаштирилди. 178 нафар фуқаролар эса мустақил равишда иш топишди.

Вилоят прокуратураси органлари меҳнат қонунчилиги ижросини доимий равишда таҳлил этиб бориш билан бирга, жойларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқишяпти. Шу тариқа шаҳар ва туманларда 80 марта ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашган фуқароларнинг 7523 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Прокуратура органлари томонидан аҳолини иш билан таъминлашга оид қонунлар, банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича манзилли Дастурнинг бажарилишини таҳлил этиш жараёнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилмоқда. Бунга йўл қўйган масъул мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилмоқда.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасига биноан, корхона, ташкилот ва муассасалар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига ўзларидаги бўш иш ўринлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиб туришлари лозим. Ўз навбатида марказ иш изловчиларга вакант лавозимларни таклиф этиши керак. Айрим мансабдор шахслар қонуннинг ушбу талабига риоя этмаган ҳолатлари ҳам учрамоқда. Хусусан, Учқўприк тумани "Ермулккадастр" хизматининг бошлиғи И.Деҳқонов "кадастр хизмати мутахассиси", Транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежи директори Н.Холматов "лаборант" лавозимларининг бўш тургани ҳақида ҳисобот тақдим қилишмаган. Бу каби қонунбузилиши ҳолатларига тумандаги яна бир қатор таълим муассасаларида ҳам йўл қўйилган. Текширишларнинг якунига кўра 5 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, иш излаган фуқароларнинг ишга жойлаштирилгани ҳақидаги маълумотларда ҳам кўзбўямачилик ҳолатлари аниқланди. Чунончи, Бағдод Агросаноат касб-ҳунар коллежи маъмуриятининг ҳисоботларига кўра коллежни 2009-2010 ўқув йилида битирган 209 нафар йигит-қизларнинг 130 нафари иш билан таъминланган. Амалда эса, гўё ишлаётган битирувчилардан 29 нафарининг ишсизлиги аниқланди.

Бундан ташқари, аҳолини иш билан таъминлашга масъул идораларнинг фаолияти ўрганилиб, фуқароларни хориж мамлакатларига ишга жўнатадиган идоранинг хўжалик ҳисобидаги Фарғона минтақавий бюроси масъул мансабдор шахслари томонидан содир этилган жиноий қилмиш фош этилди. Шартномалар асосида Россиянинг турли шаҳарларига 80 нафар фуқаро ишга жўнатилган бўлсада, ҳисоботларда улар сонини кам қилиб кўрсатишган. Ишга юборилганларнинг 45 нафари томонидан жамғарма ҳисобига тўланган 8,6 млн. сўм маблағни ғазнага топширмай, талон-торож қилганларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган 9 ой мобайнида меҳнат қонунчилиги ижросини таҳлил этиш мобайнида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш учун 48 та протест келтирилиб, 52 та тақдимнома киритилди. 101 нафар шахс интизомий, 73 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 3 та жиноят иши қўзғатилиб, фуқаролик судларига 316,7 млн. сўмни ундириш ҳақида 525 та даъво аризалари киритилди.

Соғлом турмуш тарзи

уни қарор топтириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир



Ш.ҚУШОҚОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси



/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Қарорга кўра, эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоғидаги алкоголли ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб олти ой ўтгач маркаланмаган деб ҳисобланиши ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши белгиланиб, Давлат солиқ ва божхона идораларига 2011 йил 1 октябрдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоголли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда олдини олиш, шунингдек, ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш чора-тадбирларини кўриш топширилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-1-моддасида этил спирти, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундай ҳаракатларни кўп миқдорда, гуруҳ бўлиб, хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этганлик учун етти йилгача, жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганида ҳамда алкоголли ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишга ҳокимият мансаб ваколатларини суиистеъмол қи лиш йўли билан ҳомийлик қилганлик учун ўн икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган.

2011 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тушунчаларига изоҳлар берилди, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатлари белгиланди.

Қонунга кўра, коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти — алкоголь маҳсулоти деб, тамакидан тайёрланган ҳар қандай маҳсулот эса тамаки маҳсулоти деб тушунилади.

Ушбу Қонунда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, аҳоли, аввало ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар томонидан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилинишининг олдини олиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича давлат назоратини ўрнатиш, алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, қонунни тарғиб қилиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қилиб белгиланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ва истеъмол қилинишининг олдини олиш, бу соҳадаги давлат дастурларини ижро этилиши устидан назорат ўрнатиш, аҳоли, аввало ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари ҳақида профилактика тадбирларини амалга ошириш бўйича мажбуриятлар ва ваколатлар берилди.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари йигирма ёшга тўлмаган шахсларга, таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо дўконларида реализация қилиниши мумкин эмас.

Шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган, акциз марқалари билан тамғаланмаган ва акциз маркалари қалбаки бўлган, ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имкони бўлмаган тарзда тамғаланган, лицензияга эга бўлмаган ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган, уларни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки етказиб беришни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширган маҳсулот етказиб берувчидан олинган маҳсулотлар, шунингдек, қутисиз (ўровсиз) бўлган тамаки маҳсулотларини сотишга йўл қўйилмайди.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойларда улар йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотилмаслиги ҳақидаги, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувлар бўлиши шарт.

Иш жойларида, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Мазкур қоида алкоголь маҳсулотини қуйиб реализация қилишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектларига, тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналар ҳамда маросимлар ўтказиладиган жойларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар бундан мустасно, шунингдек, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 187-моддасида жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилганлик учун маъмурий жазо чоралари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси 1-қисмида вояга етмаганларни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга жалб қилганлик учун жазо чоралари белгиланган.

Ушбу Қонун 2011 йил 5 октябрда эълон қилинган бўлиб, эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач, кучга киради ва бу Қонун фуқароларнинг соғлиғи ва жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Янги тарихимизнинг ёрқин қирралари акс этган асар

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга бағишланган тадбирлар кўплаб корхоналар, ўқув муассасалари ва жамоат ташкилотларида бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан Сурхондарё вилоят прокуратураси ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа мутасадди идоралар ходимлари иштирокида вилоят ички ишлар бошқармаси мажлислар залида йиғилиш бўлиб ўтди.

Музаффар МАМАТМУРОТОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси вице президенти, иқтисод фанлари доктори, академик Саидаҳрор Ғуломовнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби ва мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти", иқтисод фанлари доктори, профессор Муҳаммадали Саидовнинг "Мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусидаги маърузаларини тингладилар.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" деб номланган янги китобидан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989-1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлари ўрин олган.

Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг ўлкамизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида ғолиб чиқиб, Президентлик қасамёдини қабул қилишигача бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.

Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофлича ёритиб берилади.

Маълумки, 1989 йилнинг ўрталарида КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонга нисбатан қатағон сиёсати янги босқичда давом эттирилиб, "пахта иши", "Ўзбеклар иши" деб ном олган сиёсий кампаниялар авж олган эди. Собиқ Марказдан юборилган, эл-юртимиз ўртасида "десантчилар" деб ном олган гуруҳлар томонидан қанчақанча бегуноҳ инсонлар, бутун-бутун оилалар тазйиқ ва таъқибларга учрагани жамоатчилигимиз яхши эслайди.

Ана шундай оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу — истиқлол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади. Ватанимиз мустақиллиги, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғояларни Президентимиз Ислом Каримов ўша долғали йиллардаёқ, узоқни кўрган ҳолда, ўзига нечоғлик аниқ-равшан тасаввур этгани мазкур тўпламнинг ҳар бир саҳифасидан бамисоли "кизил ип" бўлиб ўтишини таъкидлаш ўринлидир.

Мамлакатимизни жар ёқасига олиб келиб қўйган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш, халқ дардига дармон бўлиш, йиллар давомида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида аҳолига уй-жой қуриш учун участка майдонлари ва томорқа ерлари ажратиш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли республика бўйича 700 мингта оилага ер берилгани, муаллиф таъбири билан айтганда, кичикроқ бир давлатнинг аҳолисига тенг бўлган 1,5 миллион янги оила пайдо бўлгани, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, одамларга кредит бериш, ўз хўжалигини юритиш учун уруғлик, чорва моллари ва парранда ажратишга қаратилган улкан ишлар ҳақида маълумот берадиган чиқишлар ҳам бу тўпламдан ўрин олган.

/Давоми 6-бетда/

Интеллектуал мулк

унинг эгалари ҳуқуқларини тиклаш йўллари

XXI аср — ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр ҳисобланади. Шунинг учун интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш давр талабига айланди.

Э.УСМАНОВ,
Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида урғу бериб ўтдилар. Маърузада, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги миллий ташкилий-ҳуқуқий механизмларни замон талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ҳамда муаллифлик ҳуқуқларини ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш масалалари алоҳида тилга олинди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи эгалари қонун билан ўрнатилган ҳуқуқлари ўзгалар томонидан бузилган пайтдан бошлаб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Кафолатнинг вазифаси шундан иборатки, биринчидан, инсон ҳуқуқларини амалга оширишда тўсқинликка йўл қўймаслик, агар улар мавжуд бўлса уни бартараф этиш, иккинчидан, шу ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдир.

Маълумки, муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ҳисобланган муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ, асарининг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқлари бузилган тақдирда улар судга ариза билан мурожаат қилиб, бузилган ҳуқуқлари қонунда белгиланган тартибда қайта тикланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Муаллифларнинг шахсий мулкий ҳуқуқлари — асардан фойдаланиш ҳуқуқи, асарни такрорлаш, тарқатиш, омма олдида намойиш этиш, ижарага беришга рухсат бериш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш, техника ёрдамида ёзиб олиш ва бошқа муаллифларнинг шу каби алоҳида ҳуқуқлари бузилган тақдирда даъвогарлар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, суддан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақлидирлар:

— ҳуқуқбузарлар томонидан муаллифга (ҳуқуқ эгасига) етказилган маънавий зарарни қоплаш;

— ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний равишда муаллиф асаридан фойдаланиш оқибатида олинган барча фойдани муаллиф (ҳуқуқ эгаси) фойдасига ундириб бериш;

— муаллифга етказилган бошқа моддий зарарларни қоплаш;

— ҳуқуқ эгаси томонидан кўзланган, лекин олинмай қолган фойдани ундириб олиш;

— ҳуқуқбузарнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини тўхтатиш;

— ноқонуний тарқатилган асар нусхаларини ҳуқуқбузар ҳисобидан йиғиштириб олиш;

— ноқонуний тарқатилган асарларнинг йиғиб олинган нусхаларини йўқ қилиш;

— тўланмаган муаллифлик ҳақларини ундириб олиш;

— муаллифлик шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш;

— муаллифлик ҳуқуқига оид меросни аниқлаш;

— асар нусхаларини ноқонуний деб топиш;

— ноқонуний кўпайтирилган асар нусхаларини мусодара қилиш ва бошқалар.

Муаллифлик ва бошқа ҳуқуқ эгалари ҳам фуқаролик даъво ишларини қўзғатишда қонунчилик бўйича даъвогарлар деб танилади.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 39-моддасига кўра, даъвогар — ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш қўзғатган шахсдир.

Судлар муаллифлик ҳуқуқига оид низоли ишларни кўришда ноқонуний тайёрланган нусхаларни мусодара этиш, нусха тайёрлашда қўлланилган бошқа воситалар ва ашёларни мусодара қилиш ёки даъвогарнинг талабига кўра зарарларни қоплаш ҳисобига уларни бериш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишда айрим қонунларда қўшимча чоралар ҳам белгиланган. Масалан, ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга эгалари фойда кўрган ҳуқуқбузардан етказилган зарар қопланиши ўрнига энг кам ойлик иш ҳақининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорда товон тўланишини талаб қилишга ҳақлидир. Мамлакатимиз қонунчилигида муаллиф томонидан товон пули тўланишини талаб қилиш нормаси мавжуд бўлса-да, бироқ мазкур товон пулини тўлаш тартиби белгиланмаган. Бундай тартибнинг қонунчиликда ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Бу чоранинг белгиланиши низоли ишлар юзасидан аниқ белгиланган пул қиймати бўлиб, ишни кўриб чиқиш ва даъвони қаноатлантиришда даъвогарни қониқтириши мумкин.

Товон тўлаш чораси Россия Федерацияси, Қозоғистон, Молдова ва бошқа давлатлар қонунчилигида муаллифлик ҳуқуқи нормалари қаторида ўрнатилган.

Муаллифлик ҳуқуқига оид низоли ишлар судлар томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинганиданоқ, судлар томонидан даъвони таъминлаш ва содир этилаётган ҳуқуқбузарликни тўхтатиш мақсадида тегишли тезкор чора-тадбирларнинг белгиланиши ишни тез кўриб чиқиб, ҳал этилиши учун муҳимдир. Фуқаролик-процессуал кодексининг 220-моддасига кўра, суд муаллифнинг интеллектуал мулкидан фойдаланганлик учун унга ҳақ ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарорни бутунлай ёки қисман дарҳол ижро этилишига йўл қўйиши мумкин.

Ҳар қандай ҳуқуқий-демократик жамиятда фуқаролар, хусусан муаллифларнинг бузилган ҳуқуқлари суд органлари орқали тикланиши энг муҳим демократик институтлардан бири ҳисобланади.

Суд орқали шахсга у ёки бу ҳуқуқнинг тегишли эканлигини аниқлаш, тан олиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва етказилган зарарни ундириш мумкин. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд тизими асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўрнатилган давлат рўйхатига олиш тартибига ёхуд Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро ҳужжатларга мувофиқ таъминланади. Товар белгисини рўйхатга олиш (қўйиш) уни Ўзбекистон Республикаси товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларининг Давлат реестрига киритиш орқали амалга оширилади.

Товар белгиси ва товар келиб чиққан жой номини ноқонуний ишлатганлик (фойдаланганлик) учун фуқаролик ва маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган санкциялар — ҳуқуқбузарликка чек қўйиш ва келтирилган зарарни коплашдан ташқари Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги" Қонунда:

— жабрланувчининг ишчанлик обрўсини тиклаш мақсадида суд қарорини чиқариш;

— товар ёки унинг қутисидан ноқонуний ишлатилган товар белгиси (товар келиб чиқиш жойи номи)ни олиб ташлаш ёки ишлаб чиқилган (қалбакилаштирилган) товар белгиси (товар келиб чиқиш жойи номи) расмларини йўқ қилиш.

Рўйхатга олинган товарни ноқонуний ишлатаётган шахс, товар чиқарилган жой номини ишлатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома эгаси, давлат органи, прокурор ёки жамоат ташкилотининг талаби билан:

— ундан фойдаланишни тўхтатиши ва фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, етказилган зарарни тўлаши шарт;

— жабрланувчининг ишчанчилик обрўсини тиклаш мақсадида суд қарорини чоп эттириш;

— ноқонуний ишлатилаётган товар чиқарилган жой номини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини контрафакт товарлардан ёки унинг идиши ва ўровидан йўқотиши шарт ёки контрафакт товарлардан ёки унинг идиши ва ўровидан ноқонуний ишлатилаётган товар чиқарилган жой номини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини йўқотиш имкони бўлмаса уларни йўқ қилиш.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик тизимида муаллифлик ҳуқуқини суд органлари орқали ҳимоя қилишга оид бир қатор нормалар яратилиши ва қонун даражасида ўрнатилиши лозим. Чунки, мутлақ ҳуқуқ эгасининг бузилган ҳуқуқлари суд органлари орқали ҳимоя қилинади ва содир этилаётган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг суд қарорлари билан олди олинади. Қонунчиликнинг юқоридаги талаблари Португалия, Франция, Германия, Польша, Италия, Нидерландия, Россия Федерацяси ва бошқа ривожланган мамлакатлар қонунларида белгиланган.

Шу сабабли ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаларининг бузилган ҳуқуқларини тез ва самарали тиклашда қўлланиладиган янгича процессуал усуллар ва воситалар ишлаб чиқиш лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги муносабатлар бўйича миллий суд амалиётига ҳам алоҳида аҳамият қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги) томонидан ушбу соҳадаги амадаги қонунчилик нормаларини хорижий ва халқаро стандартлардан келиб чиқиб янада такомиллаштириш борасида амалий таклифлар ишлаб чиқилса аҳамиятга молик иш бўлади. Шу билан бирга, интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг амалда тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг соҳага оид нормаларини такомиллаштириш ва жавобгарликни белгиловчи янги нормалар киритилиши лозим.

Албатта, бу каби ишлардан энг аввало интеллектуал мулк ҳуқуқи эгасининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари янада кенгроқ ҳимояси қилинишини таъминлаш, мамлакатимизнинг бу борадаги қонун нормаларини янада такомиллаштириш мақсади кўзланган. Зеро, бу ҳар қандай инсонпарвар жамиятнинг адолатпарвар принципларидир. Чунки, ўз олдига адолатли жамият қуришни мақсад қилган давлат борки, унда амал қилиб келаётган барча қонунларининг негизини энг аввало, инсон манфаатлари ташкил этади.

Янги тарихимизнинг ёрқин қирралари акс этган асар

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Бугунги кунда дунёда "Ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўлимизнинг асосий принципларининг дастлабки куртаклари сокин кабинетларда эмас, аксинча, ўша йилларда кескин сиёсий курашлар, баҳс ва тортишувлар жараёнида туғилиб, 90-йилларга келиб яхлит таълимотга айлангани ҳақида ушбу китобдаги чиқишлар орқали ҳар томонлама тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Афсуски, бугун вақт ўтиши билан ана шу воқеаларни кўрган-билган, уларга бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Яқин тарихимизнинг машъум бир даврида содир бўлган бу воқеаларни билмасдан, уларнинг моҳиятини чуқур англамасдан туриб эл-юртимизнинг истиқлолга эришиш йўлидаги курашлари тарихини барча мураккабликлари билан тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китобда ўрин олган тарихий ҳужжатлар, нутқ ва маърузаларнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги янада яққол аён бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, тўпламга киритилган ҳар бир чиқишни мутолаа қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиқлол моҳиятини, "тарихий бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши"ни янада чуқурроқ англаймиз.

Йиғилишда таъкидланганидек, Юртбошимиз китобида баён этилган истиқлолга эришиш йўлида юртимизда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги теран фикрлар, халқимиз бошидан кечирган турли воқеалар, Президентимизнинг мустақил давлат барпо этиш йўлида кўрсатган жасорати ҳар бир юртдошимизни истиқлолнинг қадрига етишга, уни кўз қорачиғидек асраб яшашга ундайди.

Имкониятдан фойдаланинг

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётдаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамият ривожида алоҳида ўрин эгаллайди", дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастури ижроси доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида улар жамият тараққиётининг мустаҳкам таянчига айланмоқда.

Зафарбек НЕЪМАТЖОНОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Асака туман бўлими бошлиғи

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлиги ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича ишончли ҳуқуқий кафолатларни яратиб берди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди.

Ишчиларнинг йиллик ўртача сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шўғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича чоралар қабул қилинди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида 3 йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди.

Кичик бизнес субъектларини, айниқса, уларнинг юқори технологик ускуналар харид қилиши учун имтиёзли кредитлаш механизми такомиллаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Бу борада Департаментнинг туман бўлими томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган ҳолатларга барҳам бериш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида туман прокуратураси, туман ДСИ, туман савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг 2011 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Мазкур чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тумандаги бир қатор қишлоқ ва маҳаллаларда маҳалла фаоллари ва тадбиркорлар ўртасида тадбиркорлик субъектларига ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ва шароитлар тўғрисида 36 маротаба давра суҳбатлари ўтказилиб, тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида фуқароларга амалий ёрдамлар кўрсатилиб, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши натижасида янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда. Жумладан, фуқаро А.Юлдашевнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадида ер ажратиб бериш ҳамда кредит олиш бўйича қилган мурожаати ўрганилгач, "Асака шукрона" хусусий корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилди ва натижада қўшимча 2 та ишчи ўрни яратилди.

Тумандаги Ўзбекистон ҚФЙдаги "Мустаҳкам" маҳалласида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Гулнорхон Юлдашеванинг ҳам тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва чорва молларини боқиш мақсадида кредит олиш бўйича қилган мурожаати ўрганилиб, унга банкдан 1 млн. сўм миқдорида кредит олишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган ҳар қандай кўринишдаги ҳолатларга барҳам бериш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш ҳолатларига чек қўйиш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида 2 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилган. Айбдор шахсларга нисбатан суднинг ҳукми билан қонуний жазолар тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланиб, бу вазифаларни амалда тўлиқ бажарилишига эришиш иқтисодиётимизни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, халқимиз фаровонлигининг гарови сифатида хизмат қилади.

Глобаллашув даврининг глобал муаммоси

Инсон яралибдики, ҳурлик, озодликка интилади. Ўз ҳаётини яхшилаш, орзу-мақсадларига эришиш, бахту иқболини аввало ўз эрки, ҳуқуқ ва манфаатларининг мустаҳкам ҳимоясида кўради. Озодлик истаги нафақат инсон, балки табиатдаги ҳар бир мавжудотга тааллуқли бўлса, ажаб эмас. Олий гиёҳнинг нурга қараб талпинишида бунинг ифодасини кўргандек бўламиз. Инсон эса она замин гултожи, унинг гуллаб-яшнаши, ер юзида ўз ҳаётининг давомийлигига масъулдир.



Ч.ДУСАНОВ,
журналист

Бугун у ўз тарихида кўрган ва бошидан кечирган қуллик тушунчасининг бошқачароқ кўринишлари таҳдиди, хавфини сезиб, англаб турибди, бу жиноятдан жабр кўраяпти. Жаҳон жамоатчилиги асримизнинг одам савдоси аталмиш глобал муаммоси қаршисида инсоният ақл-заковати, тарихий тафаккури, умуммиллий ҳамда миллий қадриятларини қалқон қилиб, бу мудҳиш жиноятга чек қўйиш учун жиддий курашмоқда.

Инсоният тарихий урушлар, турли офатларнинг таҳликали таҳдидларини кечиб ўтиб, тараққиётнинг глобаллашув даврида янада юксак чўққиларда турибди. Бир нарса аён, башарият ўз ўтмишида неки талофат кўрган ёки ривожланиш, тамаддун довонларидан ошган бўлса, бу барча воқеликларда инсоният турли қатламларининг хоҳиш-иродаси, мақсади, манфаати намоён бўлиб келган.

Дунё глобаллашувининг кенг қамровли имкониятлари, замонавий ахборот коммуникация технологияларининг беқиёс қулайликлари бугунги жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани шубҳасиздир. Шу билан бирга, бу имкониятлар турли ёвуз мақсадларни кўзлаган кимсаларнинг инсониятга қарши жиноий қилмишларининг кенг тус олиши, дунё бўйлаб тарқалишига ҳам восита бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига хавф солиб турибди.

Шу боис жаҳонда бу жиноятларга қарши ҳамкорликда курашиш кўлами тобора кенгаймоқда. Бинобарин, бу мудҳиш жиноятларнинг туб илдизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини топташ, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қимматига тажовуз қилиш ва умуман ер юзи халқларининг ўз ватанида озод яшашдек ҳуқуқини поймол этишга қаратилган.

Хусусан, трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли кўринишларидан дунёдаги барча мамлакатлар қайсидир даражада жабр кўраяпти. Бу эса ушбу глобал муаммони имкон қадар ҳал этиш, одам савдосига қарши курашишда халқаро миқёсда таъсир чораларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Соддароқ айтганда, сайёрамизнинг қайсидир нуқтасида пайдо бўлиб, эндиликда газак олган бу иллат инсониятнинг оғриқли муаммосига айланди. Шу сабабли, ҳар бир давлат бу хавфдан ҳимояланишнинг қатъий чораларини кўриши, шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сиёсий зарурат даражасига кўтарилди.

Ер юзида кенг тус олиб улгурган бундай хавфга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида БМТ томонидан бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шуни таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизнинг одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид меъёрлари умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларга мос келади. Бу аввало, Бош Қонунимизда "Демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деб қатъий мустаҳкамланганида ёрқин акс этади. Конституциямизга мувофиқ: "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас".

Истиқлол шарофати туфайли юртимиздаги ҳар бир инсон озод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлиш, барча ҳуқуқ ва эркинликларидан дахлсиз равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимизда трансмиллий жиноятлар, жумладан, одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий асосларда ҳам ана шу мустаҳкам тамойилларнинг амалий ифодаси мавжуд.

Шу ўринда 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикасининг "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганини алоҳида қайд этмоқчимиз.

Энг муҳими, бу йўналишда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қонуний ҳужжатлар, бир қатор дастур ва режаларга назар ташлаб, ҳукуматимиз мамлакатимизда истиқомат қилаётган бирор инсон бу мудҳиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолмаслиги учун жуда қатъий ва жиддий чоралар кўраётгани, барча саъй-ҳаракатлар комплекс равишда амалга оширилаётганини чуқур англаймиз. Бинобарин, бу саъй-ҳаракатларга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки барча турдаги ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик жалб этилган. Зеро, ҳар қандай иллатга қарши курашиш ҳар бир инсонда ўз тақдирига бефарқ бўлмаслик, бу масалада доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш ҳиссини кучайтиришдан бошланади, десак янглишмаймиз. Мустақил мамлакатимиз фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш устувор вазифаларимиздан саналади, албатта. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бизнинг энг асосий бойлигимиз — бунёдкор халқимиз эканини назарда тутсак, бу устувор вазифамизнинг теран моҳияти, мазмуни янада ойдинлашади. Қолаверса, ҳар бир юртдошимизнинг бундай таҳликали таҳдидлардан холи яшаши жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оилаларда тинчлик-хотиржамлик, барқарорлик ҳукм суриши билан боғлиқлигини эътибордан қолдириб бўлмайди.

Болаларимизга эътиборли бўлайлик

Собир (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳар кунгидек кўнгилхушлик учун севимли "гўшаси" томон йўл олди. Йўл-йўлакай ўзига ўхшаган саёқ юришни одат қилган дўсти Ботирни ҳам чақиришни унутмади.

Зафарбек ТУРСУНОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Унинг ёшлигидан ўқишга хуши йўқ бўлиб, кўп вақтини кўчада ўтказар, баъзан эса кафеда официантлик қилиб, ярим тунгача қолиб кетарди. Ишини баҳона қилиб, уйига кеч келиш одат тусига кирганини боис ота-онаси ҳам бунга ўрганиб қолишганди.

Шу куни икки оғайни "Зебра" тунги клубига бориб, маст бўлгунча ичишди. Кўнгилхушлик айни авжига чиққанда рақс тушаётган Собирнинг кўзи ёлғиз ўтирган қизга тушди. Бошдан-оёқ қизга разм соларкан, унинг ташқи кўриниши йигитни ўзига жалб қилди. Қиз билан танишиш қийин кечмади. Ярим тунга яқин Санобар билан клубдан чиқишгач, ширакайф йигитларнинг нияти бузилиб, қизга тегажонлик қила бошлашди. Қизнинг қаршилик кўрсатиб, ёлворишига ҳам қарамай, тан жароҳати етказиш орқали номусига тегдилар. Шу билан бирга, унинг бўйнидаги тилла занжир ҳамда "Самсунг" русумли қўл телефонини ҳам очиқдан-очиқ талон-торож қилишди...

Санобар Тешаева ўзига келгач, тегишли идорага ариза билан мурожаат қилди.

Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор қидирув натижасида қўлга олинган Собир Норатоев ҳамда Ботир Аноров айбларига тўлиқ иқрор бўлдилар.

Албатта, жиноят борки, жазосиз қолмайди. Нопок йўлга қадам қўйган зўравонларга ҳам қилмишларига яраша жазо тайинланди.

«Ҳожатбарор»ларга ҳожат қолмади

Ботир ИРИСМЕТОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурори ўринбосари

Оғайнисининг тўйидан хурсанд ҳолда қайтган Саидносир уйига кирибоқ, жиянига қўнғироқ қилди-да, суюнчи сўради:

— Тоға, суюнчи тайёр. Нима гап ўзи? — тоғасининг дабдурустдан суюнчилаб қолганидан ҳайрон бўлиб сўради Фозил.

— Ие, яхшироқ ишга жойлаб қўйинг деганмидинг? Ўша ишни битказдим ҳисоб. Насиб қилса, тез орада ё девонда ё Олий Мажлисда иш бошлайсан.

— Йўғ-эй, ростданми? Аммо сизга қойилман. Ҳар қанақа ишни уддасидан чиқасиз.

— Шунақа, тоғангни қўли қаерларга етишини ҳали билмайсан-да...

— Шошманг, ким билан гаплашдингиз ўзи?

— Бугун бир танишимникига тўйга борганийдим. Ўша бир одам билан таништириб қўйди. Москвада ўқиб келган, танишларим шунга яраша экан. Ўша ваъда қилди. Энди буёғига хотиржам бўл. Мен унга телефон рақамимни бердим, эрта-индин учрашиб, ҳаммасини гаплашиб оламан.

Дарҳақиқат, орадан икки кун ўтгач, ўша одам телефон қилиб, кўришишлари кераклигини айтгач, Саидносир Фозил билан айтилган жойга етиб борди. Жиянини у билан таништиргач, шу заҳоти саволларни қалаштириб ташлади:

— Хўш, Аброр ака (исм-фамилиялар ўзгартирилган), ишни гаплашдингизми? Битадиган бўлдими, ишқилиб? Уялтириб қўймайсизми?

— Э-э, ака, бу дунёда битмайдиган ишнинг ўзи йўқ-ку! Фақатгина ўлимга чора йўқ. Энди гап бундай. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ўша куни айтганимдек, ҳар қанақа ишни ҳам ўзига яраша хизмат ҳақи бўлади. Тўғрими? Хуллас, тепадаги акалар билан гаплашган эдим, анчагина сўрашаяпти. Бунга нима дейсиз?

— Буни тушунаман, қанча десангиз туриб бераман. Фақат шу жияним ишга кириб олса бўлгани.

— Бўлди, ака, бугундан бошлаб шу иш билан шуғулланаман. Сиз бўлса, — у Фозилга юзланди. — Жудаям кўп китоб ўқиб, тайёрланишингиз керак. Катталарнинг олдига суҳбатга кирганингизда уялтириб қўймасангиз бўлгани. У ёққа ўзим олиб кираман. Айтмоқчи, ҳужжатларни ҳам қанча тез берсангиз, шунча яхши бўларди...

Аброр шундай дея, энди Саидносирни четга тортди.

— Ака, яширмайман, ҳозир айтганимдек, хизмат ҳақи сал кўпроқ бўладиганга ўхшайди.

— Қанча?

— Шу... 25-30 минглар атрофида. Нима дейсиз?

— Майли, ахир пул кетса кетсин, обрў кетмасин деган гап бор-ку! Розиман.

Гапни бир ерга қўйишгач, ҳамма ўз иши билан кетди. Орадан кўп ўтмай, улар яна учрашишди. Бу сафар Аброр Саидносирга бир кишини рўпара қилиб, "Бобур ака" дея таништирди-да, "юқорида" ишлайдиган акахонларидан бири шу эканлигини писанда қилиб қўйди. Ўз навбатида Бобур ака ҳам юқори лавозимда фаолият юритишини таъкидлаб, Фозилни ишга жойлаштириш учун қўлидан келганча ёрдам беришни ваъда қилди. Уларнинг гапига ишонган Саидносир аванс тариқасида Аброрнинг қўлига 10 минг АҚШ долларини тутқазди. Ўз навбатида Аброр пулни Бобур акаси орқали керакли одамларга етказишни, уларнинг гапи билан жиянни уларнинг суҳбатига олиб киришга сўз берди. Аммо...

Айни ўша кезларда Аброрни бир таниши йўқлаб келиб, танишлари бўлса, оғайнисининг Тошкент вилоятидаги ёқилғи қуйиш шохобчасига ажратилаётган бензин миқдорини кўпайтириб беришни илтимос қилиб қолди. Аброр ўта "ҳожатбарор" эмасми, шу заҳоти ёрдам беришни ваъда қилиб, хизмати учун арзимаган бир миллион сўм сўради. Пулни қўлга киритгач эса, бу масала юзасидан биров билан учрашишни хаёлига ҳам келтирмади...

Буни қарангки, Аброрнинг "ҳожатбарор"лиги ҳақидаги хабар бошқаларнинг ҳам қулоғига етиб борган экан. Қўшни аёл қизини бирор жойга ишга жойлаш мақсадида елиб-югуриб юрганлигини эшитган Д.Собирова ёрдам бермоқчи ният қилди-да, у билан Аброрни таништириб қўйди. Аброр қиз ҳақидаги маълумотларни сўрар экан, унинг институтга ҳужжат топшириб, киролмаганини эшитгач, ишни ҳозирча ўйламай айнан шу масалада, яъни ўқишга қўшимча равишда жойлаб қўйиш қўлидан келиши ҳақида шама қилди. Тест синовларидан ўтолмай, сиқилиб юрган қизгина бу гапни эшитгач, қувончини ичига сиғдиролмай, уйига югурди. Хурсанд бўлган она бўлса, Аброр билан учрашишга ошиқди. Аброр унинг келишидан хабар топиши билан Бобургa қўнғироқ қилиб, учрашув жойига келишни тайинлади. У етиб келгач, онага қизини ўқишга шу одам киритиб қўя олишини, контракт пули 3 млн. 600 минг сўм бўлишини, кейинчалик ишга ҳам жойлаштириб қўйиш қўлларидан келишини айтиб, пулни тайёрлашни тайинлади. Кўп ўтмай эса, онага телефон қилиб, контракт пулидан бир қисми, яъни 2 млн. сўмни сўраб олди-да, кейин қорасини ҳам кўрсатмай кетди.

Муқаддам бир неча бор судланишга улгуриб, бундан етарли хулоса чиқаришга эринган Аброр Саидов ҳамда унинг ҳамтовоғи бўлмиш Бобур Раҳимов бугун яна суднинг қора курсисидан жой олишди. Суд томонидан ушбу ҳолатлар ҳам инобатга олиниб, уларга қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

Электр энергияси ва ундан фойдаланишни инсоният кашф этган энг буюк ихтиролардан бири десак, хато бўлмайди. Зеро, бугунги кунда ҳаётимизни ўсиш тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам аҳолини, халқ хўжалигининг барча соҳаларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилади. Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, бу соҳага сарфланаётган маблағларни кўпчилигимиз, ҳатто тасаввур ҳам қилолмаймиз.

«Ўзлаштириш пойгаси»

ёхуд «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси»даги қинғир ишлар

Тимур НОРМУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ катта терговчиси

Республикамизда ҳам бу соҳада кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, электр энергияси таъминоти, ундан самарали ва тежамли фойдаланиш борасида янги технологиялар жорий этилмоқда. Бу борада етарли ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бироқ, шунга қарамай, жойларда соҳага мутасадди бўлган айрим мансабдор шахслар томонидан ҳамон лоқайдлик, ўзибўларчилик, янаям ачинарлиси, давлат ва жамият мулкини ўзлаштириш, талон-торож қилиш ҳолатлари учраб турибди.

Буни "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" ОАЖга қарашли туманлардаги электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари содир этган жиноятлар мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А.Батиров, Чилонзор тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Д.Ходжиметов, Мирзо Улуғбек тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Б.Ибрагимов, Миробод тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Ф.Худояров, Олмазор тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Ш.Умаров, Сергели тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А.Камолетдинов, Учтепа тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А.Рафиқов, Шайхонтоҳур тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи К.Джалилов, Юнусобод тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А.Иноятов, Яккасарой тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи З.Лутфуллаевлар "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" ОАЖ таъмирлаш цехи раҳбари Ф.Собиров ва корхона мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктириб, ўз ҳудудларидаги трансформаторлар ва трансформатор подстанцияларини ҳисобини юритишда сохтакорликларга йўл қўйиб келишган. "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" ОАЖ раҳбарияти томонидан тасдиқланган "Туман электр тармоқлари тўғрисидаги қоидалар"нинг бир неча бандларига зид иш тутган бу раҳбарлар растрата, талон-торож қилиш орқали давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етказишган. Улар трансформаторларни ўзлаштириш борасида ўзаро мусобақалашгандай гўё.

Жумладан, А.Батиров (Ҳамза туман электр тармоқлари бошлиғи) туман ҳудудидаги унга ишониб топширилган трансформаторлар тўғрисидаги ҳисоботларда сохтакорликка йўл қўйиб, турли қувватлардаги 96 та трансформаторнинг ўзлаштириб кетилишига сабабчи бўлган. Бу билан "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" ОАЖ манфаатларига 3 млн. 758 минг сўмлик зарар келтирган. Худди шу усулда Д.Ходжиметов (Чилонзор туман электр тармоқлари бошлиғи) 4 млн. 459 минг сўмлик, Б.Ибрагимов (Мирзо Улуғбек туман электр тармоқлари бошлиғи) 1 млн. 816 минг сўмлик, Ф.Худояров (Миробод туман электр тармоқлари бошлиғи) 4 млн. 317 минг сўмлик, А.Камолетдинов (Сергели туман электр тармоқлари бошлиғи) 2 млн. 825 минг сўмлик, А.Рафиқов (Учтепа туман электр тармоқлари бошлиғи) 4 млн. 678 минг сўмлик, З.Лутфуллаев (Яккасарой туман электр тармоқлари бошлиғи) 432 минг сўмлик трансформаторларнинг ўзлаштирилиб, талон-торож қилиб юборилишига йўл қўйишган.


Бундай "ўзлаштириш пойгаси"да ҳамкасбларидан анча илгарилаб кетган Шайхонтоҳур туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Қобул Джалилов салкам 10 млн. сўмлик трансформаторларни ўзлаштиришга улгурган экан.

Ундан кейинги ўринларни Олмазор тумани электр тармоқлари бошлиғи Шавкат Умаров ва Юнусобод тумани электр тармоқлари бошлиғи Аброр Иноятовлар банд этишган. Муқаддам судланган Шавкат Умаров 6 млн. 252 минг сўмлик, Аброр Иноятов эса 6 млн. 204 минг сўмлик трансформаторларни "ҳазм қилиб" юборишган.

Юқорида номлари келтирилган шахслар "ўзлаштириш пойгаси"га шу қадар киришиб кетганларки, қандай қилиб суднинг қора курсисига етиб келганларини ҳам сезмай қолишган.

Дастлабки тергов даврида улар томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қопланди.

Барча айбдорларга нисбатан суд томонидан тегишли қонуни қарор қабул қилинди. Бундан улар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишган, деган умиддамиз.



«Олди-берди» можароси

қотиллик билан якун топди

Жамолдин НИЗАМОВ,
Учқўрғон туман прокурори
Нилуфар НИЁЗОВА,
«Ниқоқ»

Садриддин яшаётган ҳовли Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлгани боис, уларга бошқа жойдан уй қуриш учун ер участкаси берилди. Шунингдек, бузилган иморатлар ҳисобидан Садриддиннинг номига пластик карточка очилиб, унга 10 миллион 160 минг сўм пул ўтказилди.

Унинг нияти, шу пулни ишлатмаслик, келгусида бирор иш бошласа, сармоя қилиш эди. Йиққантергани билан уйнинг асосий қисмини битказиб олди. Бироқ томни ёпишга келганда "қўли калталик қилди". Шунда опаси маслаҳат бериб қолди:

— Жиянинг Машҳура билан бирга ишлайдиган аёлнинг ўғли пластик карточкадаги пулни накдлаштириб бераётганмиш... Пулим йўқ, деб юрасанми?! Жиянингга айтиб, пластикдаги пулингни ҳал қил, иссиқ кунларда томингни ёпиб ол...

Садриддинга бу гап маъқул тушгандек бўлди.

— Машҳура келганда менга учрамай кетмасин! — деди опасига.

Машҳура шаҳарда ўқитувчи бўлиб ишлар, тез-тез ота-онасини кўргани қишлоққа бориб турарди. Бу гал ҳам тоғасини узоқ куттирмади. Унинг илтимосига кўра, аввал ҳамкасбининг ўғли Шамсибекка қўнғироқ қилди.

— Опа, сиз у ёғидан хавотир олмай, пластикни ўзингиз билан олиб келаверинг! Бир ҳафтага қолмай пулини бўшатиб берамиз!

Табиийки, Машҳура унга ишонди. Сабаби, Шамсибек аввал ҳам кўпчиликнинг "ҳожатини чиқариб" юрганидан хабари бор эди. Шунга бўлса керак, тоғасини ҳам бунга ишонтириб, пластик карточкани олганча ортга қайтди.

Машҳура орадан икки ҳафта ўтгач, Шамсибекдан 4 миллион 300 минг сўм пул олиб, тоғасига юборди. Бироқ қолган пулларни олиш муддати негадир кечикиб борарди. Бу орада Садриддин Машҳурага қўнғироқ қилавериб, силласини қуритди.

— Тоға, ўша йигит пулни олиши билан менга қўнғироқ қиладиган бўлган. Сиз хавотир олаверманг, ишингизни ҳал қилиб бераман, — деди жияни. Аммо яна ҳафталар ўтса ҳамки, пулдан дарак бўлмади.

Унгача Машҳура ҳамкасби Моҳинса опа билан сан-манга бориб қолаёзди.

— Ўғлингизда лафз борми?! Пластикни олганига икки ойдан ошди, аммо ҳали ҳам пулнинг қолганини бермайди. Ақалли телефонга жавоб қилса ҳам кошкийди! Одам бунчалик ноинсоф бўлмайдида... У ёғда тоғам телефон қилиб, пулини қисташини қўймайди. Шуни ўзингиз тезроқ ҳал қилиб беринг, опа! — деди ниҳоят бир куни хонада ёлғиз қолишганда.

— Бу ишнинг бошида мен турганмидим? — Моҳинса опа пинагини бузмади. — Ўғлим билан келишганмисиз, ўшанга боринг! Мени машмашаларингизга аралаштирманг!

Ўша куни икки ҳамкасб яхшигина тортишиб қолишди. "Ўзи шу ишга аралашмасам бўлар экан, — ўйга толди Машҳура. — Оғримаган бошимни оғритиб олдим. Тоғам шу шифер ўлгурни пластикка олсалар ҳам бўларди-ку..."

У эртаси куни бошқа рақамдан Шамсибекка қўнғироқ қилди:

— Телафонни ҳам олар экансиз-ку?! Пулни қачон қилиб берасиз? — сўради зарда билан.

— Пластикни бир ошнамга бергандим, пулини ололмаяпман, — ёлғонлади Шамсибек. Аслида эса у шеригидан аллақачон пулни олган, 5 миллиондан ортиқроқ пулни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганди. — Олишим билан дарров сизга учрайман, опажон...

Шамсибекнинг одатдаги ширинсўзлик билан қалаштираётган ёлғонларига Машҳуранинг ишончиси келмади.

— Эртага ишхонамга келинг, тоғам сиз билан учрашмоқчилар... Агар келмасангиз, мендан хафа бўлиб юрманг, милицияга ёзиб бераман!

Сўнгги пўписадан Шамсибекнинг туси ўзгариб, қўрқиб кетди.

— Милицияни овора қилиб юрасизми, опа?! Бўлди, эртага бор, десангиз бораман. Ака билан ўзимиз келишиб оламиз!

— Шунақа қилинг, шу ғалвали ишдан мени халос этинг... — Машҳура яна унга ён берди. — Эрталаб тўғри мактабга келсангиз, сизларни учраштириб қўяман...

Эртаси куни Шамсибек Машҳуранинг хонасига кирганда, у ўрта ёшлардаги бир одам билан гаплашиб ўтирарди.

— Шамсибек шу йигит бўлади, — уни тоғасига таништирди Машҳура.

Садриддин йигитга бошдан-оёқ разм соларкан, гапни чўзиб ўтирмай, муддаога ўтиб қўя қолди:

— Пулнинг қолганини олгани келдим, ука! Бошда гапсўзлар бошқача эди-ку?!

— Мен гапимнинг устидан чиқиб юрган боламан, ака! Ошнам панд бериб қўйиб, шу ҳолга тушдим, — устомонлик билан гапни илиб кетди Шамсибек. — У бугун машинасини сотибди, тушгача пулингиз ҳал бўлади... Сиз хотиржам уйингизга кетаверинг, эртага опа орқали бериб юбораман!

— У ёғи билан менинг ишим йўқ. Шу бугун ернинг тагидан бўлса ҳам пулимни топиб берасан! — Садриддин қатъий туриб олди.

Шамсибек аввалига уни алдаб, муросага соламан, деб уринib кўрди. Бироқ Садриддиннинг аҳди қатъий, шу бугун уйига пулсиз қайтмоқчи эмасди. Буни сезган йигит таслим бўлишга мажбур бўлди.

— Бўлди, ака! Обедда 31-мактаб ёнида кўришамиз. Пулингизни ўша ерга келтириб бераман...

У шундай дея ортга қайтди. Садриддин эса "Чорсу" бозорида иши борлигини айтиб, Машҳура билан хайрлашганча чиқиб кетди. Афсуски, жиян тоғасини сўнгги бор кўраётганини, у ўз ажалининг ортидан қувиб кетаётганини шу дамда билмасди...

Шамсибек кўчага чиққач, Садриддиндан осонликча қутула олмаслигини сезиб, боши қотиб қолди. "Энди нима қиламан?! Биров шунча қарз бериб туриши душвор... Онамнинг эса қарзларимни тўлайвериш жонига теккан, ундан ёрдам кутиб ҳам бўлмайди..."

У тушгача бир-икки танишларидан қарз сўраб кўрди, натижа бўлмади. Охири иложсиз яна Садриддиндан икки-уч кунга муҳлат сўрашга қарор қилиб, уни излаб кетди.

— Ошнам машинани сотиб олган одам номига расмийлаштириш ишлари билан банд экан. Эрта-индин пулни олиб, ўзим уйингизга элтиб бераман...

Аммо Садриддин бугун йигитни қўлдан чиқарса, кейин пулни умуман ололмаслигини сезиб, унинг илтимосига кўнмади.

Шамсибек қараса, бу одам муроса йўлига ўтадиган эмас. "Шу бугун пулни бермасанг, сен билан бошқа ерда гаплашаман! Уйингга кириб тўполон қиламан! Маҳаллангга шарманда қилиб, обрўйингни бир пул қиламан" — дея дағдаға қилишга тушди.

"Бу ёруғ дунёдан насибанг узилиб турибди, шекилли... — тишларини асабий ғичирлатганча муштларини тугди Шамсибек. — Майли, ҳозирча осмондан келавер, ҳаётингга қандай нуқта қўйилишини ўзинг ҳам билмай қоласан!"

У миясига келган қабиҳона ўйдан бир сесканиб кетди. Бироқ бошқа илож топа олмагач, хаёлан кишибилмас режа туза бошлади. Ниҳоят, бир қарорга келди чоғи, юзига сохта табассум югурганча Садриддинга юзланди:

— Ака, аввал биронта ошхонага кириб овқатланайлик. Ундан кейин отамнинг янги участкасига борамиз. У ерда ҳеч ким яшамайди, бемалол дам олиб турасиз. Мен кечқурун ошнамнинг уйига бориб, пулни олиб келаман. Эртага хотиржам уйингизга кетаверасиз!

Садриддин "Пулни олсам бўлди", деган ўйда унинг таклифига рози бўлди. Аммо бу мулозамат ортидаги қабиҳликни сезмади.

Шамсибек уни 6-кичик тумандаги шашликхонага олиб борди. Биргаликда овқатланишди. Сўнгра Шамсибекнинг отасига тегишли, Наманган шаҳар, "Меҳнатобод" маҳалласидаги янги қурилган уйга боришди. Бу ҳовлида одам яшамас, Шамсибекнинг амаккиваччаси Қобилжон кечалари чиқиб, шу ерда тунарди.

Шамсибек Садриддинни Қобилжоннинг ёнида қолдириб, ўзи ошнасининг уйига бориб келиш баҳона кўчага чиқиб кетди. У ярим тун бўлишини, ортидан соядек эргашиб юрган одамдан тезроқ қутилишни ўйларди. Дадилроқ бўлиш учун 4-кичик туман ҳудудидаги "Чархпалак" ошхонасига бориб, ароқ олиб ичди. Ярим тунда уйига қайтганда Садриддин ва Қобилжон уни кута-кута аллақачон ухлаб қолишганди.

У миясида ғужғон ўйнаётган жирканч режани амалга ошириш учун қулай пайт пойлаб, ўзи учун ўрин тўшади ва бироз ётди. Бироқ кўзига уйқу инмади. Вужудини нимадир қисиб келар, ҳаяжони кучли эди. Ўрнидан туриб, жавонда турган яримлаб қолган ароқни тамомлади ҳамки, ҳаяжони босилмади.

Шамсибек ҳовлига чиққанида, тонг отиб қолаёзганди. Шунда Садриддин билан сўнгги марта гаплашиб кўриш мақсадида уни туртиб уйғотди.

— Қаерда эдинг?! — ҳовлига чиққач, Садриддин унга сигарет узатар экан, сўради.

— Ошнамнинг уйида эдим... У пулни ўн кундан кейин қилиб бераман, деяпти...

Бу гапни эшитган Садриддиннинг жаҳли чиқиб, бақир-чақир бошлади:

— Қанақа ўн кун? Пулни шу бугунок топиб берасан! Бўлмаса, шу уйнинг шиферини бузиб кетаман!

Шамсибек қараса, катта жанжал чиқадиган. Унга режасини амалга ошириш маъқулдек кўриниб, Садриддинни аврашга тушди:

— Майли ака, бугун десангиз, бугун! Мен ҳозир чарчаганман, бироз ухлаб олай... Сиз ҳам дам олинг...

У шундай дея ўз ўрнига ётди. Садриддин эса Қобилжоннинг ёнига кириб кетди.

"Бу одамни бир ёқлик қилмасам бўлмайди, шекилли..." Шамсибек ўйланиб ётар экан, нияти қатъийлашди. Бу орада Қобилжоннинг ўрнидан туриб, чой тайёрлаш учун ташқарига чиқиб кетганидан фойдаланиб, омборхонага кирди ва болтани олиб чиқди. Тўғри Садриддин ётган хонага кирди. Қараса, меҳмон донг қотиб ухлаб ётибди. Шу тобда Шамсибек фақат қарздан қутулиш ва бунинг учун Садриддинни гумдон қилишдан бошқа чораси йўқлигини ўйларди, холос. У кўзи қонга тўлганча болтани зарб билан Садриддиннинг бўйнига урганди, у бир-икки типирчилаган бўлди-ю, жим бўлиб қолди. Қайноқ қон кўрпа ва деворни алвон рангга бўяди...

Шамсибек қилмишидан даҳшатга тушганча қалтираган қўллари билан кўрпани жасаднинг устига ёпиб, ўзи эшикни ичкарисидан беркитиб олди. Шу тобда у жасадни қандай йўқ қилиш ва жиноятини яшириш йўлларини ўйлар, бироқ миясига жўяли фикр келмай қийнарди. Шу пайт эшик қаттиқ тақиллаганидан ҳушига келди.

— Шамсибек, шу ердамисан?

Йигит аста ўрнидан туриб, эшикни очди. Қобилжон юзи ва кийимларига қон сачраган амакиваччасига ҳайронлик билан қараганди, Шамсибек унинг қўлини маҳкам ушлаб олди:

— Мен одам ўлдириб қўйдим! Садриддин акани ўлдириб қўйдим!!!

Суд Шамсибек Самандаровни узоқ йилга озодликдан маҳрум этди.

Азиз газетхон сезиб турибди, ушбу қотиллик фақат ва фақат эътиборсизлик, ота-онанинг масъулиятсизлиги ортидан келиб чиққан. Сабаби, Шамсибекнинг онаси болаларга таълим-тарбия берадиган даргоҳда ишлаб туриб, ўз фарзандининг туриш-турмушига беписанд қараган. Ахир у ўғлининг фирибгарлик билан шуғулланаётганини аввалдан билган. Қолаверса, ҳамкасби билан бўлаётган можародан ҳам хабардор эди. Бироқ у ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб қўйди. Боласини тартибга чақириб, уни тўғри йўлга солишга, муаммони бамаслаҳат ҳал этишга уринмади. Оқибат эса...

Йўл бошида адашганлар

Ҳалоллик ортидан пул топишни истамаган киши, албатта, ҳаром луқма топишга интилади. Тўғрироғи, бели оғриб пул топмаган одам бировларнинг мол-мулкига кўз олайтиради.



Санжархон ФАЙЗИЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси

Муқаддам босқинчилик жиноятини содир этиб, жазони ўтаб қайтган Олим Жалилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) атрофига аввалдан таниш бўлган Бунёд ҳамда Азиз исмли йигитларни тўплади.

— Мен Ургут шаҳрида яшовчи ёлғиз, кекса, пулдор кишиларни топаман. Уларнинг уйларини, кириш йўлакларини обдон ўрганиб чиққанимдан сўнг, биргаликда пулларини ўмарамиз. Розимисизлар? — деди.

— Розиман, — деди Бунёд.

— Мен ҳам розиман, — деди ҳали вояга етмаган Азиз.

Олимнинг режасига кўра, Бунёд босқинчилик жиноятини содир этишда фойдаланиш учун ниқоблар тайёрлаши, уй эгаларига ҳужум қилиш учун пичоқлар, скоч лентаси, қўлқоплар сотиб олиши керак эди. Азизга эса босқинчилик содир этишда уйга биринчи бўлиб кириб, гуруҳ аъзоларига тўсиқларсиз уйга киришига шароит яратиш каби вазифалар юклатилди.

Босқинчилик режасини обдон "пишитиб" олган Олим йигитлари билан Ургут шаҳар Дўстлик маҳалласида яшовчи Жўра бобонинг уйини тунамоқчи бўлди. Жўра бобо янги қурилган ҳовлида хотини билан яшарди. Ўғли бир ҳафта олдин йўл-транспорт ҳодисаси сабабли вафот этганди. Жўра бобо одамларга фоиз ҳисобига қарз берарди. Шунинг учун унинг уйида доим катта миқдорда пул ва гаровга олинган тилла буюмлар бўлишини тахмин қилган Олим шериклари билан шу йилнинг февраль ойида Жўра бобонинг уйига боришди. Ярим тунда Азиз уйнинг томига чиқиб, ҳовлига тушмоқчи бўлди. Аммо томнинг тунукаси оёқ товушидан тарақлаб кетди. Уй эгалари, қўни-қўшнилар уйғониб қолишидан чўчиган йигитлар шоша-пиша воқеа жойидан қочиб қолишди. Шу билан уларнинг жиноий режаси охирига етмади.

— Кейинги гал, албатта, овимиз бароридан келади, — деди Олим йигитларнинг кўнглини кўтариб. — Энди янада ҳушёр бўлиб ҳаракат қилишимиз керак.

Олим бу билан ортга чекинмади, аксинча, яна бой-бадавлат яшайдиган кишиларни топиб, уларнинг уйларига кириш режасини тузиб чиқди. Унинг топшириғи билан йигитлар бир неча бор Ургут шаҳрида яшовчи кишиларнинг уйларига бостириб кириш ҳаракат қилишди. Аммо ҳар гал нимадир тўсиқ бўлиб, уларнинг жиноий режаси пучга чиқаверди. Шундан сўнг Олим бир муддат кўздан ғойиб бўлиб қолди. Уни телефон орқали топа олмаган Бунёд ва Азиз ўзларига бошқа "бошлиқ" топиб, гуруҳ тузиб, "иш"ни давом эттирмоқчи бўлишди.

"Кўр кўрни қоронғуда топади", деганларидек, тез орада гуруҳ раҳбари ҳам топила қолди. Ургут шаҳрида истиқомат қилувчи Азиз жиноий гуруҳга бошлиқ бўлди. Улар гуруҳга Юсуф Кубаевни ҳам қўшиб олишди.

Азиз аввалдан Жўра бобони таниганлиги боис, яна унинг уйига босқинчилик уюштирди. Режа гуруҳ аъзоларига ҳам маъқул бўлди.

— Юзимизга ниқоб тақиб борсак, уй эгалари эшигини очмайди. Яхшиси, ниқобсиз борамиз. Бизни кўргани билан уларни гумдон қилиб, сўнгра уйдаги пулларни олиб қочамиз, — деди Азиз. — Уйда камида қирқ миллион сўм пул бўлиши керак, чунки Жўра бобо судхўрлик билан шуғулланади.

Режага кўра, йигитлар ўзаро "қуролланиб" олишди: қўлларига дорихонадан сотиб олган тиббий қўлқопларни кийиб, 2 дона скоч ўрамини олишди, Азиз "Макаров" русумли пневматик тўппонча, Юсуф бильярд таёғининг орқа қисмини, Бунёд ва Азиз ёғоч дастали пичоқларни олишди.

Шу йилнинг 31 март куни соат 19:30 ларда эшикни Азиз тақиллатди. Уни таниган Жўра бобонинг хотини эшикни очиб:

— Нима керак? — деб сўради.

— Жиянимга пул керак эди, — деди Азиз Юсуфни кўрсатиб.

Аёл Юсуфга ўгирилиб қараганида, жисмонан кучли бўлган йигит қўлидаги бильярд таёғи билан аёлнинг бошига бир неча бор урди. У беҳуш ҳолда ерга йиқилди. Азиз ва Юсуф аёлни суяб, уни ҳовли ичкарисига олиб киришди. Шу пайт тўс-тўполонни эшитган Жўра бобо "Ёрдам беринглар!" дея дарвозадан ташқарига югуриб чиқди. Бунёд унинг ортидан югуриб бориб, кўкрагининг орқа қисмидан пичоқ урди. Азиз эса қўлидаги тўппонча билан унинг бошига бир неча бор зарба бериб, ожиз аҳволдаги хонадон соҳибини ҳовли ичига судраб олиб кирди.

— Пулларни бераман, пуллар сейфда, — деди Жўра бобо йигитларнинг мақсадини тушуниб.

Аммо улар уй эгасига раҳм қилишмади. Эр-хотинни бир-бирининг кўз ўнгида шафқатсизларча уриб, азоб бериб ўлдиришди.

— Энди қочмасак бўлмайди, — деди гуруҳ бошлиғи йигитларга. — Шунча шовқин-сурондан кейин бизни сезиб қолиши мумкин. Уйдан пулни излаб топишга вақт йўқ.

Қилғиликни қилган йигитлар воқеа жойидан жуфтакни ростлашди. Уйига етиб келган Бунёд ўз қилмишини "ҳазм" қилолмади. Худди "биров сен қотилсан", дегандек бўлаверди. Кўнглини кемираётган ҳислардан қутулолмаган Бунёд ғазаб билан деразани муштлади. Ойна синиб, қўлини кесиб кетди. Эртасига врачга қўлини кўрсатаётганда барчаси ойдинлашди. Ахир, жиноят содир этилган кунда юз метрча олисга ташлаб кетилган қўлқопдаги қон доғлари уники эканлиги маълум бўлди. Бунёднинг бошқа шериклари ҳам яширинган "ин"ларидан чиқариб олинди. Суриштирув-тергов давомида жиноий гуруҳнинг барча қилмишлари очилди. Суд залида улар пул учун икки кишининг умрига зомин бўлганини тан олишди.

Суд ҳукмига кўра Бунёд Абдуллаев 22 йилга, Азиз Талъатов 20 йилга, Юсуф Кубаев 18 йилу 6 ойга, Азиз Бойжигитов 14 йилга, Олим Жалилов 15 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, ушбу фожиани дўсти Бунёддан эшитган Феруз Бакиров вақтида бу ҳақда тегишли жойларга хабар бермагани учун унга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ноқонуний «касб»

Дунёда касбу ҳунарнинг тури кўп. Одамлар азалдан бирор касб-кор, ҳалол ва фойдали иш билан шуғулланиб, топган даромадлари эвазига ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга, яхши яшашга интиладилар. Шу тариқа оила эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, жамият ривожига ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ҳар ким истаган касб билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Фақат у шуғулланмоқчи бўлган фаолият тури қонун билан тақиқланмаган бўлса бас.



Агзам МАРДИЕВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Кимлар учундир валютафурушлик ҳам бир касб. Аслида буни касб деб бўлмайди. Чунки унинг замирида валюта қимматликларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланиш мужассам. Бундай савдо, яъни қонунга зид фаолият давлат ва жамият манфаатларига катта зарар етказади ва шу боис тақиқланади.

Мамлакатимиз ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинган. Мазкур қонунга кўра, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин — валюта бойликлари ҳисобланади.

Одатда валютафурушлар ноқонуний савдо билан шуғулланиш учун бозорлар, савдо йўлаклари, аҳоли гавжум жойларни танлайдилар. Кимдир ошкора, кимдир хуфиёна тарзда ўз ишини битказишга интилади. Яширин иш кўришга интилувчилар бу фаолиятнинг қонунга зид эканлигини ва оқибатини билишади, шу сабаб қўлга тушиб қолишдан чўчийдилар. Кўзлари олазарак бўлиб, ўраклари ҳар лаҳзада дукиллаб туради. Ошкора шуғулланувчилар эса "Қўлга тушсам ҳам бир амаллаб қутулиб кетарман", деб ўйлайдилар.

Аксарият кишилар бу иш билан шуғулланишни ор билишади. Бундай йўл билан бойлик орттиргандан кўра, ҳалол йўл билан топилган яримта нонни афзал кўрадилар.

Юқорида қайд этганимиздек, валютафурушликни касбга айлантиришга уринаётганлар учраб турибди. Баъзи соддадил, қонунларимизни яхши билмайдиган кишилар ана шундай кимсалардан чет эл валютасини сотиб оладилар ва бундай ҳолатда ўзларини айбдор деб билмайдилар. Аслида валюта қимматликларини ана шундай йўл билан сотиш ҳам, сотиб олиш ҳам қонунга зид. Бу маъмурий ва жиноий жавобгарлик оқибатларига олиб келишини унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш:

юридик шахслар томонидан ваколатли банклар орқали;

жисмоний шахслар томонидан ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали амалга оширилади.

Чет эл валютасини бошқа кўринишда сотиш ва сотиб олиш қонунга хилоф. Таассуфки, қонунга хилоф тарзда шуғулланаётганлар ҳам учраб турибди.

Бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ўтган йилда валюта қимматликларини қонунга зид равишда олиш ёки ўтказиш юзасидан 24 нафар шахсга нисбатан маъмурий иш юритилиб, 26 нафар шахсга нисбатан 18 та жиноят иши қўзғатилди ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилди. Ҳуқуқбузарлардан 25218 АҚШ доллари, 38630 Россия рубли ва 67 млн. 483 минг Ўзбекистон сўми олиб қўйилди. Жорий йилда ҳам валюта қимматликларининг ноқонуний савдосига қарши ана шундай тезкор тадбирларни олиб бораяпмиз.

Бошқарманинг Қарши шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Юнус Ҳайдаров 200 АҚШ долларини 430 минг сўмга сотганлиги аниқланган. Унинг ёнидан сотиш учун олиб юрган 100 АҚШ доллари, 17 минг Россия рубли, валюта сотиб олиш мақсадида олиб юрган 2 млн. 930 минг сўм пуллари борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинган. Ю.Ҳайдаров кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш жиноятини содир этган.

Шаҳрисабз туманидаги "Минг хил буюмлар" савдо мажмуаси ичида ўтказилган тадбирда фуқаро Акмал Аминов 300 АҚШ долларининг ҳар бир долларини 2210 сўмдан баҳолаб, харидорга 663 минг сўмга сотган вақтида ушланди. Унинг ҳам ёнида сотиш учун олиб юрган 2500 АҚШ доллари ва 1000 Россия рубли борлиги маълум бўлди. Чироқчи туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда эса, фуқаролар Ф.Холбеков ва М.Тошпўлатовлар 3000 АҚШ долларининг ҳар бир долларини 2260 сўмдан баҳолашиб, харидорга 6700 минг сўмга қонунга хилоф равишда сотишганлиги аниқланган ва 3000 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олиб қўйилган. Департаментнинг вилоят бошқармаси ва Шаҳрисабз туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирда "Арабон" буюм бозори ҳудудида фуқаро А.Кўпайсинов 1000 АҚШ долларини 2 млн. 390 минг сўмга қонунга хилоф равишда сотган вақтида ушланиб, ушбу 1000 доллар ҳамда ёнида сотиш учун олиб юрган 2500 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми чиқарилган ва тегишли жазо тайинланган.

Валюта қимматликлари ноқонуний савдоси миллий валютамиз қадрини туширишга, мамлакатимиз иқтисодиётига путур етказишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Шу боис валютага оид жиноятчиликка қарши нафақат ҳуқуқ-тартибот ходимлари, балки маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ходимлари, бозорлар ва савдо мажмуалари маъмурияти, умуман, юрт фаровонлигини истовчи ҳар бир фуқаро кураш олиб бормоғи лозим.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси ва унинг турлари

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ, содир этган қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган, шунингдек, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсни оқлашдан фарқ қилади. Шахсни оқлаш, оқловчи ҳукм чиқаришга асос бўлган жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги ёки содир этилган жиноятга шахснинг алоқадор эмаслигида ифодаланади.

Шуҳрат ХУСАИНОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти бўлим бошлиғи

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун иккита белги мавжуд бўлиши лозим:

— шахснинг жиноят таркиби мавжуд бўлган қилмишни содир этиши, шунингдек, уни жиноий жавобгарликка тортиш учун барча асосларнинг мавжуд бўлиши;

— мазкур шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун барча қонуний асос ва шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ўз мазмунига кўра шахсни содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод қилишдан иборатдир. Шахсни жиноий жавобгарликдан ҳар қандай асосларга кўра озод қилиш қилмишнинг ҳуқуқий табиатини ўзгартирмайди. Чунки содир этилган қилмиш доимо жиноят бўлиб қолаверади ва ўз моҳиятини ўзгартирмайди.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш иккига бўлинади:

Биринчиси, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги ёки амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш. Қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда жиноят ишини кўраётган суриштирув, тергов органлари ва суд шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиши ва жиноят ишини юритишни тугатиши лозим.

Бу Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши ёки амнистия актининг қўлланиши тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг иккинчи тури га, жавобгарликдан озод қилишнинг қолган барча турлари киради: қилмиш ёки шахсни ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан; айбдорнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан; ярашганлик муносабати билан; касаллиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (65-67-моддалар) ва вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилиш (88-модда) киради. Бу моддаларда кўрсатилган ҳолатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурият келтириб чиқармайди, балки, бу уларнинг ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий шарти шахснинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги ҳисобланади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш, деганда қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тушунилади.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга эса қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Жиноят кодексининг 65-67-моддаларига асосан, жавобгарликдан озод қилишда жиноятнинг таснифидан ташқари бошқа ҳолатлар, ётказилган зарарнинг хусусияти, айбдорнинг шахси ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам эътиборга олиниши лозим. Бундан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мақсадга мувофиқлиги келиб чиқади. Бундай ҳолатларга: жиноят туфайли ётказилган зарарнинг аниқ миқдори ва уни қопланганлиги ҳақидаги расмий маълумотлар, Фуқаролик кодексида кўрсатилган жисмоний ва маънавий зарарнинг қопланганлиги, жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи кўрилаётган шахс ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, бошқа маълумотлар (оилавий аҳволи, нима билан шуғулланиши ва бошқалар) киради.

Жиноий жавобгарликдан шахс нафақат суд томонидан, балки, суриштирув, тергов ва прокуратура органлари томонидан жиноий ишни дастлабки тергов жараёнида ёки шахс жиноят процесси иштирокчиси бўлмай туриб, яъни жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳам озод қилиниши мумкин. Жиноий жазодан озод қилиш эса фақат суд қарори билан амалга оширилади.

Айнан бир асос ишнинг қайси босқичда кўрилаётганига қараб, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишга ҳам хизмат қилиши мумкин. Юқоридаги ҳолат амнистия актига тегишли бўлиб, у шахсга нисбатан суд ҳукми чиқарилгунга қадар жиноий жавобгарликдан, суд ҳукми чиқарилганидан сўнг эса асосий ва қўшимча жазодан озод қилиш учун татбиқ этилади.

Жиноят кодексида жазодан озод қилишнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

— жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан (64-модда);

— қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан (65-модда);

— айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан (66-модда);

— ярашганлиги муносабати билан (66[1]-модда)

— касаллик туфайли (67-модда);

— амнистия акти асосида (68-модда);

— вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаган ҳолатда (88-модда).

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳуқуқий жиҳатдан жиноят содир этган шахсни содир этилган қилмишнинг барча ҳуқуқий оқибатлари: суд ҳукми асосида давлат томонидан тайинланадиган ва шахсни расмий тарзда жиноятчи деб топадиган таъсир чорасидан, жазодан ва судланганликдан озод қилади. Шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш унинг айбсизлигини англатмайди ва уни фуқаролик-ҳуқуқий, масалан, содир этган қилмиши учун мулкий жавобгарликни қўллаш, шунингдек, маъмурий, интизомий таъсир чораларидан озод қилмайди.

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 9 мартдаги 67-сонли қарорига мувофиқ ва "O'ZULGURJISAVDO" ОАЖ АК тугатиш комиссиясининг 2011 йил 18 октябрдаги 40-сонли йиғилиш қарорига асосан "O'ZULGURJISAVDO" ОАЖ АК тугатиш комиссияси томонидан Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 7А-уй манзилда сақланаётган, "ТТЗ 100.11С" русумли, 2006 йил ишлаб чиқарилган трактор қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 37 755 000 сўм.**

Қизиқиш билдирган талабгорлар трактор ҳақидаги маълумот билан Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилида танишиш мумкин.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уйда, 2011 йил 12 декабрь куни соат 12:00да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар (талабнома)ни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби суд бошқарувчиси билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 3 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Суд бошқарувчиси томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланган.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р:20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 9 мартдаги 67-сонли қарорига мувофиқ ва "O'ZULGURJISAVDO" ОАЖ АК тугатиш комиссиясининг 2011 йил 18 октябрдаги 40-сонли йиғилиш қарорига асосан "O'ZULGURJISAVDO" ОАЖ АК тугатиш комиссияси томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда.

1. Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Строитель даҳаси, 3Б-уй, 43-хонадон манзилда жойлашган уй-жой. Бошланғич баҳоси-62 943 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Строитель даҳаси, 3Б-уй, 40-хонадон манзилда жойлашган уй-жой. Бошланғич баҳоси - 63 358 000 сўм

Қизиқиш билдирган талабгорлар кўчмас мулк ҳақидаги маълумотлар билан Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилида танишиш мумкин.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уйда, 2011 йил 12 декабрь куни соат 12:00да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар (талабнома)ни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KMCX" МЧЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-80-23, 228-84-48.

Лицензия: RR-0001.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Ангор туман ҳокимининг 2011 йил 20 июлдаги 544-сонли, Бойсун туман ҳокимининг 2011 йил 22 мартдаги 128-сонли ва Музработ туман ҳокимининг 2011 йил 16 октябрдаги 540-сонли қарорлари ҳамда Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Сурхондарё ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 2 ноябрдаги 55-од-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:

1. Ангор тумани, А.Навоий КФЙ, Зартепа маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳирасига олинган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 800 кв. метрдан иборат (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14 ва 15-сонли) 15 дона ер майдонлари.

Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 48 000 сўм.

2. Бойсун тумани, Газа маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳирасига олинган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳажми 600 кв. метрдан иборат (4-сонли) 1 дона ер майдони.

Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 202 488 сўм.

3. Музработ тумани, Болдир ҚФЙ, Гулистон маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳирасига олинган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳажми 600 кв. метрдан иборат (1-сонли) 1 дона ер майдони.

Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 60 000 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2011 йил 13 декабрь куни соат 11:00 да Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биносида ўтказилади.

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2011 йил 9 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер майдони бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиали Термиз шаҳар мини банкидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО 00336, СТИР 207122519.

2011 йил 13 декабрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 20 ва 27 декабрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Тарорий очиқ аукцион савдоларига ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрамлар)дан ташқари ҳар куни 18:00га қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун савдо ташкилотчиси — "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг манзили: Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, 2-қават. Телефон: (8-376) 227-57-94. **rieltsavdo@inbox.uz.**

Лицензия: RR 0001.

Қонун ҳимоячиси



Прокуратура идораларида ўз касбининг фидойиси ва билимдони бўлган инсонларни кўплаб учратиш мумкин. Бундай заҳматкаш, ҳалол, қатъиятли мутахассислар давлат манфаатларини устун қўйиб, ҳар жабҳада қонун устуворлигининг таъминланишига улуш қўшмоқдалар. Хоразм вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори Комилжон Ражабов ана шундай фидойи соҳа ходимлари сирасига киради.

1951 йилда Хазорасп туманида таваллуд топган Комилжон Ражабов ўрта мактабни тамомлагач, бир муддат Питнак темир йўл бекатида ишчи бўлиб ишлади. Илмга бўлган иштиёқ, ахдига собитлик туфайли 1970 йилда Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Тиришқоқ йигит талабалик давриданоқ ўз мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатди.

1976 йилда олий ўқув юртини тамомлагач, қадрдон диёрига қайтди. Ёш мутахассис Хазорасп туман прокурори ёрдамчиси лавозимида иш бошлади. Сўнгра Хоразм вилоят прокурорининг судларда жиноят иши кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича ёрдамчиси, орадан икки йил ўтиб катта ёрдамчиси қилиб тайинланди. Ушбу йўналишда ўзига хос тажриба тўплаган Комилжон Ражабов маълум муддат Боғот туман судига раислик қилди. Кейин эса Боғот туман прокурори, Хонқа туман прокурори лавозимларида самарали ишлади.

Айни пайтда вилоят прокуратурасида бўлим катта прокурори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ана шундай фидойи инсон 60 ёшга тўлди. Уни қутловчилар жуда кўп. Қутловчиларнинг барчаси у кишидаги ажойиб хислатларни эътироф этиб, унга узоқ умр тилашмоқда.

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси

Вазифа уддаланди

Хабарингиз бор, октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган саралаш баҳсларида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси муваффақиятли қатнашиб, келгуси йили ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатига йўлланмани қўлга киритган эди. Уларнинг ортидан Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги ёшларимиз ҳам 2012 йилда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати чиптасини нақд қилиб қўйишди. Теҳронда ўтган саралаш баҳсларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ажойиб ғалабаларни қўлга киритиб, муддатидан олдин олдига қўйилган вазифани уддалади. Уч ўйиннинг барчасида рақибларини мағлуб эта олган Аҳмаджон Мусаевнинг шогирдлари майдон эгалари билан бўладиган учрашув олдидан барчасини ҳал қилиб бўлишган эди. 8 ноябрь куни эса гуруҳ пешқадамини аниқлаш мақсадида эронлик ёшларга қарши кураш олиб борган вакилларимиз 2:0 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Айтиб ўтиш керакки, ўша учрашувда Аббосбек Махсталиев пенальтини ноаниқ амалга оширган.



Покистон — ЎЗБЕКИСТОН 0-3
ЎЗБЕКИСТОН — Ҳиндистон 2-1
Туркманистон — ЎЗБЕКИСТОН 1-2
Эрон — ЎЗБЕКИСТОН 2-0

№	"С" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	Эрон	4	4	0	0	14-0	12
2	**Ўзбекистон**	**4**	**3**	**0**	**1**	**7-4**	**9**
3	Ҳиндистон	4	1	0	3	5-9	3
4	Покистон	4	1	0	3	3-11	3
5	Туркманистон	4	1	0	3	4-10	3

Тевес «Ливерпуль»га ўтадими?



Англиянинг "Ливерпуль" клуби "Манчестер Сити" жамоасининг ҳужумчиси Карлос Тевесга қизиқиш билдирмоқда.

Хабарингиз бор, аргентиналик ҳужумчи Чемпионлар лигасининг "Бавария"га қарши ўтказилган учрашув вақтида "шаҳарликлар" бош мураббийи Роберто Манчини билан келиша олмай, майдонга тушишдан бош тортган эди. Шундан сўнг, Тевеснинг қишки трансфер мавсуми давомида "Манчестер Сити" жамоасини тарк этиши деярли аниқ бўлди.

Агарда қишки трансфер мавсумида Карлос Тевес борасида яхшироқ таклиф тушгудек бўлса, "Манчестер Сити" раҳбарияти аргентиналик ҳужумчини сотиб юборади. Тевеснинг ўзи ҳам жамоадан кетиш ниятида.

Қатарнинг "Ас-Садд" клуби 2011 йилги Осиё чемпионлар лигаси ғолибига айланди. Жамоа Осиёдаги клублар ўртасидаги энг нуфузли турнир финалида Жанубий Кореянинг "Чонбук Моторс" жамоасини пенальтилар сериясида мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди.



«Ас-Садд» ОЧЛ ғолиби

Ёдингизда бўлса, қатарликлар ҳамюртимиз Александр Гейнрих тўп сураётган "Сувон Самсунг" жамоаси билан бўлган ярим финалнинг дастлабки учрашувида ҳалол ўйин қоидаларига амал қилмай, меҳмондан 2:0 ҳисобидаги ғалаба билан қайтишган эди. Ҳужумни ташкиллаштираётган "Сувон Самсунг" клуби аъзоси рақиб жарима майдонида ёрдамга муҳтож бўлиб ётган жамоадошини кўриб, тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборган эди. Бундай вазиятда иккинчи жамоа вакиллари тўпни рақибларига қайтариб беришлари керак. Бу футболдаги ёзилмаган қонун. Аммо қатарликлар бундай қилишмади. Тўпни майдонга ташлаб, кореялик футболчиларнинг асосий қисми рақиб жарима майдонида юрганидан фойдаланишди ва гол уриб келишди. Бунга чидай олмаган "Сувон Самсунг" клуби вакиллари роса жанжал қилишди. Бироқ бу натижани ўзгартириб қўймасди. Оқибатда ана шу гол иккала жамоа ўртасидаги ўзаро ўйинларга катта таъсир ўтказди. Жавоб ўйинида эса Гейнрих жамоаси "Ас-Садд" майдонида 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Аммо бу финал учун етарли эмасди.

Шу тариқа финалга йўл олган қатарликлар Жанубий Кореянинг бошқа бир жамоасига рўбарў келишди.

"Чонбук Моторс" ҳамда "Ас-Садд" ўртасидаги финал учрашуви драматик тарзда кечди. Бу учрашувнинг бизга аҳамиятли жиҳати шунда эдики, финални ўзбекистонлик ҳакам Равшан Эрматов бошқарди.

Учрашувдаги ҳисоб Жанубий кореяликлар томонидан очилди. 19-дақиқада Эниньо жамоасини олдинга олиб чиқди. Бироқ 30-дақиқада корейс футболчиси ўз дарвозасига тўп киритиб қўйди. 61-дақиқада эса Абдулқодир Кейта рақиб дарвозасини ишғол этиб, қатарликларни бош соврин сари дадил етаклади. Бироқ, учрашувнинг асосий вақтига қўшиб берилган дақиқаларда Ву Йон Сим мувозанатни тиклади ва қизиқарли учрашув яна ярим соатга чўзиладиган бўлди. Қўшимча вақтда ҳам ҳисоб ўзгармагач, ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди. Бу борада омад қатарликларга кулиб боқди.

"Чонбук Моторс" (Жанубий Корея) - **"Ас-Садд"** (Қатар) — **2:2.**

Пенальтилар сериясида — **2:4**

Кичик Фердинандга таҳдид қилинди

"Манчестер Юнайтед" ва Англия терма жамоасининг асосий ҳимоячиларидан бўлмиш Рио Фердинанднинг туғишган укаси Энтони Фердинанд нинг жонига қасд қилиниши ёзилган хат келган. Шу муносабат билан Лондон полицияси суриштирув ишларини бошлади.

Англиядаги "Daily Mail" нашрининг хабар қилишича, "Энтони Фердинанд номига келган хат "жуда ҳам миллатчилик руҳида" ёзилган бўлиб, "Куинз Парк Рейнжерс" жамоасининг ўйингоҳи ҳисобланадиган "Лофтус Роуд"га ташлаб кетилган.

Эслатиб ўтамиз, кичик Фердинанд бундан бироз вақт муқаддам Англия терма жамоаси ва "Челси" клуби сардори Жон Терри билан жанжаллашиб қолган эди. "Куинз Парк Рейнжерс" ва "Челси" клублари ўртасида бўлиб ўтган учрашувдан сўнг Жон Терри Энтони Фердинандни ҳақорат қилган эди. Бу можаро борасида ҳам Лондон полицияси иш бошлаган.





«Барселона» Болливуд билан ҳамкорлик қилмоқчи

Каталониянинг "Барселона" клуби яқин вақтлар ичида Ҳиндистонда ҳам ўз нуфузини ошириб олишни кўзламоқда. "Sport Business" нашри томонидан хабар қилинишича, каталонияликлар Ҳиндистонда клубнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Болливуд киноактёрларидан фойдаланишни мақсад қилишган. Шу сабабли ҳам "Барселона" клуби Болливуд юлдузи Ранбир Капур билан шартнома имзолашга қарор қилган.

Унга кўра, Ранбир "Барселона" клубининг Болливуддаги обрўсини ошириши лозим.

"Мен учун бу фантастик дақиқалардир, — дейди Ранбир бу борадаги фикрларини билдирар экан. — Таркибида Хави ва Месси каби футбол юлдузлари тўп сурадиган клуб билан ёнма-ён менинг номимнинг ҳам айтилиши беҳад даражадаги ажойиб ҳолатдир".

Бундан ташқари, каталонияликларнинг нигоҳи энг кўп аҳолига эга бўлган Хитойга ҳам қаратилган.

Маълумотларга қараганда, "Барселона" раҳбарияти Хитойдаги "Intersports" компанияси билан ўзаро стратегик жиҳатдан ҳамкорлик қилиш борасида келишув имзолаган. Ушбу шартнома ёрдамида "Барселона" клуби Хитой бозорларида ўз брендининг нуфузини оширишни ният қилган.

Каталониялик футболчилар яқин вақтлар оралиғида Пекиндаги "Қуш уяси" ўйингоҳида машғулот ўтайдилар.

Спорт хабарларини **Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Shavkat YODGOROV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
(E) — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-3118. 48 626 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi : O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617